



1964 йилнинг октябрида партия Марказий Кўмитасининг Пленуми бўлиб, унда Н. С. Хрушчевни барча вазифаларидан озод қилишди. Л. И. Брежнев КПСС Марказий Кўмитасининг Биринчи котиби этиб сайланди.

Тадқиқотчилар, жумладан, партия тарихининг янги тахририни тайёрлаётган муаллифлар ушбу ходисага тўла ва холисанилло баҳо бериб, унга туртки берган яширин омилларни ва партия ҳамда мамлакат учун сиёсий оқибатларини очсалар керак. Мен эса ушбу воқеанинг шохиди сифатида ўз таассуротларим ва мулохазаларим билан ўртоқлашаман. Икки раҳбарнинг алмашуви юз берганида нималарни ўйлаганлигимни, нималарни хис этганлигимни баён этмоқчиман, зероки бу кишиларнинг иккисини ҳам яхши билардим, ёнма-ён ишлашгандим.

Пленум қандай тайёрланди ва ўтди?

МК умумий бўлим мудури Малин 14 октябрда Центросоюзга — иш жойимга телефон қилиб, уч соатдан кейин Свердлов залида МК Пленуми бўлишини, этиб келишимни илтимос қилди. Кун тартибига қанақа масала қўйилган, деб сўрасам, билмадим, деб жавоб берди.

Залга ҳамма тўплангандан кейин ён томондаги хонадан Л. И. Брежнев чиқиб келди-да, раислик қилувчининг ўрнига бориб ўтирди. Президиумнинг бошқа аъзолари кетма-кет кириб келтишди, энг охирида Н. С. Хрушчев кириб келиб, ўнг томондаги энг чеккадаги курсига ўтирди. Қандайдир фавқулодда воқеа бўлганлигини дарҳол тушуниш мумкин эди. Залга пашша учса билингудек сукунат чўқди, одамлар тахтадай қотиб қолишди. Леонид Ильич Пленумни очиб, Президиум битта таклиф киритади, бу хусусда М. А. Сулов маъруза қилади, дедида, унга сўз берди. Сулов 30 минутча гапирди.

Бу маъруза эмас, балки Хрушчевни волюнтаризмда, иш билмасликда, ноқамтарликда ва бошқа гуноҳларда айбланишида шоша-пиша тўпланган, бир қатор ҳолларда бузиб кўрсатилган ва ўйлаб топилган фактлар, воқеалар, кишиларнинг исм-фамилиялари эди. Охирида Никита Сергеевичнинг ўзи соғлиги ночорлиги учун КПСС Марказий Кўмитасининг Биринчи котиби ва Президиум аъзолигидан озод қилиш тўғрисида ариза берганлиги эълон қилинди.

Раислик қилувчи Л. И. Брежнев шу захотиёқ шошилиб, масала равшан, афтидан музокара қилиб ўтиришимизга ҳожат бўлмаса керак, деди. Қарор лойиҳасини ўзи ўқиб берди ва овозга қўйди. Овоз берилди ва шу билан Сталиндан кейинги ўн йилликка нукта қўйилди. Бу мураккаб давр асосий йўналишларини таҳлил қилиш ва баҳолашга, манфий ва мусбат томонларини тарозига солиб кўришга, истикбол йўлини белгилашга ҳеч бир уриниб кўрилмаган ҳолда шундай қилинди.

Шундан кейин ўша пайтда КПСС Марказий Кўмитаси котиби бўлган Н. В. Подгорнийга

сўз берилди. У Леонид Ильичнинг фазилатлари, кобилиятлари, обрў-эътиборини таъкидлаб, Президиум номидан уни КПСС МКнинг Биринчи котиби килиб сайлашни таклиф этди, охирида уни ҳамма яхши билади, кўллаб-қувватлайди, деб кўшиб кўйди. Карор лойихасини ўкиб берди.

Брежневнинг номи янграганда, ёнимда ўтирган маршал Тимошенко хайрон бўлиб сўради: «Кимни, Лёнани МК нинг Биринчи котиблигигами? О-ла, тоза бўлган экан-ку...» У сўз сўраб энди кўл кўтарган эдики, мунозара килиб ўтирмаймиз, деб келишиб олинди. Брежнев учун овоз берилиб, партиянинг янги йўлбошчисини карсақлар билан табриклашди.

Расмий нуктаи назардан олганда ҳаммаси рисоладагидек бўлди. Маълум килишди, овозга кўйишди... Лекин ҳамма шуни тушуниб тургандики, Марказий Кўмита раҳбарлигида туб бурилиш юз берди. Бу ишнинг партия, халқ, мамлакат учун оқибатлари қандай бўлиши номаълум эди.

Айниқса, Никита Сергеевич Хрущевга муносабат хайратомуз бўлди. У партия ва мамлакатга бошчилик қилган даврни «буюк ўнйиллик» дейишади. Бу даврда ҳақиқатда кўп воқеалар бўлиб ўтди — Сталин шахсига сизиниш кораланди; бизни кўрқув ва катагон васвасасидан ҳалос этган эркинлик шабадаси эса бошладики, бусиз ҳозирги қайта қуришни тасаввур этиб бўлмайди,— биринчи совет фуқароси коинотга парвоз қилди. Тўғри, айни вақтда ўйламасдан ҳамма жойга маккажўхори экиш расм бўлди, кўплаб қайта ташкил этишларга жазм қилинди ва амалга оширилди, зиёлиларга қарши ҳеч бир оқлаб бўлмайдиган кампания қучайтирилди. Лекин барибир мамлакат яшади, сталинчилик кишанидан ҳолос бўлиб, канотларини ёйди. Бу воқеаларнинг марказида эса Никита Сергеевич турди. Катта қуч, гайрат-шижоатга эга бўлган, тиниб-тинчимайдиган бу киши ҳамиша одамлар қуршовида эди, атрофида ҳаёт қайнаб, жўш уради.

Мен Никита Сергеевични ҳар хил шароитлар, вазиятларда кўрганман. У ҳамиша ҳам босиқ бўла олмасди, эҳтиросларга берилган, қизикконлик қилган, ўзини мутлақо идора этолмай қолган пайтларини кўрганман. Бу гал эса сўлжайиб, бошини эгиб ўтирарди, ранги бўздай оқариб кетганди, кўз ёшларини секин артиб кўярди. Залга бир марта ҳам қарамади. У ҳақда бирон оғиз илик сўз айтилмади. Никита Сергеевич хайрлашув нутқи сўзлаб, Марказий Кўмита аъзоларига биргаликда ишлашганлиги учун миннатдорчилик билдириш, муваффақиятлар тилаш истагини билдирганди, лекин руҳсат берилмади.

Вазифасидан кетган раҳбар қим эди, янгиси бу чўққига қандай кўтарилди, уларнинг муносабатлари қандай эди? Буни, 50-60 йиллардаги мамлакат олий раҳбарлиги фаолиятидаги зиддиятли нукталарни тушуниш учун ўтмишга, Сталин ҳаётдан кетиб, у бунёд этган даҳшатли тузумнинг бузилиши бошланган 1953 йил март ойига қайтиш керак. 1953 йил 4 мартда МК аъзолари ва аъзолигига номзодларни, Марказий Ревизия комиссияси аъзоларини, ўша кунлари Москвада бўлган СССР Олий Кенгаши Президиуми ва Вазирлар Кенгаши аъзоларини эрталаб Кремлнинг Свердлов залига таклиф қилишди.

Президиум столига бир неча олий раҳбарлар ўтиришди. Г. М. Маленков чиқиб, ўрток Сталин оғир ётиб қолди, деди ва таникли медиклар имзо чеккан ҳулосани ўкиб берди, унда «Ўрток Сталин Москвада, ўз квартирасида ётганда миясига қон қуйилган. Ўнг қўли ва оёгининг фалажлиги қучайди. Тилдан қолди. Юрак уриши ва нафас олиши оғирлашди», дейилганди. Сўнгра, у кўшимча қилиб айтдики, ўрток Сталин ишига қайтиб қелолмас керак, давлат билан мамлакатни эса раҳбарсиз қолдириб бўлмайди. Шу

боисдан, баъзи бир рахбар ходимларнинг ўрнини алмаштириш ва олий идоралар тузилишида ўзгаришлар қилишнинг мақсадга мувофиқлигини биргаликда муҳокама қилиш учун КПСС МК, СССР Олий Кенгаши Президиуми ва ҳукуматнинг шошилинч қўшма мажлисини чақирдик.

Сўнгра, у қуйидаги таклифни киритди. Н. С. Хрущев (у КПСС МК ва Москва вилоят партия қўмитаси котиби эди) асосий эътиборни Марказий Қўмиладаги ишга қаратиши керак, деди. Г. М. Маленков Вазирлар Кенгашининг раиси, Л. П. Берия, Н. А. Булганин, В. М. Молотов, Л. М. Каганович Вазирлар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосарлари бўлишди. Берия, Булганин, Молотов айна бир вақтда ички ишлар, муҳофаа, ташқи ишлар вазирлари қилиб тайинланди. Шундан сўнг бошқа ўзгаришлар ва янги ишга тайинланганларни бирма-бир санаб ўтди.

Партия рахбар идораларининг ички тузилишини ўзгартириш тўғрисидаги таклиф қуйидагича эди. Маълумки, партия XIX съезди ВКП(б)ни КПСС қилиб қайта ўзгартирди, МК Ташкилий бюросини тарқатиб юборди, Сиёсий бюро ўрнига Президиум ташкил этиб, Бош котиби ўрнига Биринчи котиби бўлишини мақсадга мувофиқ деб топди.

1952 йилнинг 16 октябридаги ташкилий Пленумда И. В. Сталин таклифи билан 25 аъзо ва аъзоликка номзодлардан иборат МК Президиуми тузилди. Улардан 11 киши КПСС МК котиблари бўлишди. Президиум ичида эса 9 кишидан иборат Бюро ташкил этилди.

1953 йил 4 мартда бўлган шошилинч қўшма мажлисда эса Г. М. Маленков таклифи билан МК Президиуми ва Секретариатининг илгариги состави бекор қилиниб, 10 аъзо ва 4 нафар аъзоликка номзоддан иборат янги Президиум ташкил этилди.

У гапининг охирида, агар ўртоклар бу фикр-мулохазаларни маъқулласалар, уларни яқин кунларда узил-кесил қўриб чиқиб расмийлаштириш мумкин бўларди, деди.

Залда ўтирган бизлар бу масала хусусида ўз фикр-мулохазаларимизни билдириш у ёқда турсин, хатто чурк этмай, киритилган таклифларга қўшилиб қўяқолдик, сабаби ўша кезде бутун хаёлимиз бетоб Сталинда эди.

5 март куни кечқурун бизни МКга таклиф қилишиб, ҳозиргина, соат 21-у 50 минутда И. В. Сталин вафот этганини, МК мурожаати ва медиклар ҳулосаси эрталаб радиодан берилишини, матбуотда эълон қилишини айтишди. Н. С. Хрущев раислигида Л. М. Каганович, Н. М. Шверник, Л. М. Василевский, А. М. Пегов, П. А. Артемьев, С. А. Яснов аъзолигида дафн комиссияси тузилди.

Мархумнинг жасади солинган тобут Советлар уйининг Колонна залига қўйиладиган бўлди. Колонна залига одамлар эрталаб соат 6 дан кечаси соат 2 гача қўйилади. 9 март кундузи соат 12 да дафн маросими бўлади. Мотам митинги Кизил Майдонда ўтказилади. Мархумнинг жасадини Мавзолейга, В. И. Ленин билан ёнма-ён қўйишга қарор қилинди.

Бизларга, МКнинг бир неча аъзоларига мурожаат этишиб, Колонна залида бўлиб, ҳукумат комиссиясига ёрдам беришимизни илтимос қилишди.

Ўша соатдан то 9 мартгача мен бошқа ўртоклар билан бирга Колонна залида бўлдим. Биз меҳнатқашларнинг мархум билан видолашувини, фахрий қоровулни ташкил этиш, чет эл делегацияларини кутиб олиш, кузатиб қўйиш ва бошқа масалалар билан бевосита шугулланган одамларга ёрдам бердик.

Бир маҳал Леонид Ильич келиб, бизлар билан саломлашди. У жудаям ўзгариб кетганди: ранги қув ўчган, ковоклари салқиган, кўзлари кизариб кетганди. У Сталин жасадини

тобутда кўрганида хўнграб йиглаб юборди. Ўзини тутолмай тезда чикиб кетди. Ўшанда унинг Совет Армияси ва Харбий-Денгиз флоти Бош сиёсий Бошкармаси бошлигига ўринбосар бўлиб тайинланганини ўзидан эшитдим.

9 март кечки соат 2 да Колонна залига одамларни киритиш тўхтатилди. Кечаси билан тайёргарлик кўрилди. Хеч биримиз мижжа кокмадик. Тонг сахарда партия ва ҳукумат раҳбарлари етиб келишди. Улар соат 10 да тобут олдида сўнгги бор фахрий қоровулда турдилар. Кейин гулларни супадан олишиб, жасаднинг устига кизил шойи мато тортишди. Тобутнинг копкогини ёпишиб, устига СССР Давлат байрогини кўйишди. Мархумнинг қариндош-уруғлари доим шу ерда бўлишди.

Соат 10.10 да тобутни кўтаришиб, иккинчи асосий эшик орқали Маркс кўчасига чиқишди, у ерда тобутни тўп лафетига ўрнатишди; копкогининг устига Совет Иттифоқи Генераллиссимусининг фуражқасини кўйишди. Кортёж секин, бир-бир қадам ташлаб борарди. Олдинда уни бошқараётган генерал, унинг ортидан икки офицер мархумнинг хошияси қора лента билан ўралган портретини кўтариб боришарди. Маршаллар ва генераллар унинг ордени ва медаллари қадалган ёстикчаларни кўтариб олишганди. Гулчамбарларнинг сон-саногини йўқ, ҳар бирини икки киши кўтариб борарди. Уларнинг орқасида тўпга тиркалган тобутли лафет. Унинг кетидан мархумнинг қариндош-уруғлари борарди. Кейин Олий Кенгаш раҳбарияти ва дафн комиссияси аъзолари, улар ортидан КПСС МК аъзолари, вазирлар, бир қатор чөл эл делегацияларининг бошлиқлари боришаётганди. Энг орқада бутун йўл давомида мотам куйини чалиб бораётган духовой оркестр. Кортёж Маркс кўчасидан ўтиб, кейин «Москва» меҳмонхонасидан чапга бурилиб, Александров парки томондаги тарих музейи ёнидан Кизил Майдон марказига йўл олди. Союзлар уйидан В. И. Ленин Мавзолейигача салкам 1 километр келади, шу масофани 30 минутда ўтишди.

Соат 10.45 да мотам қортёжи В. И. Ленин Мавзолейи рўпарасида тўхтади. Тобутни лафетдан олишиб, юзини Мавзолейга қаратиб тағкурси устига кўйишди-да, копкогини очишди. Тобут олдида фақат мархумнинг қариндошлари қолишди, биз минбарнинг ўнг томонига ўтиб турдик, меҳмонларга мўлжалланган 2—3 минбарларни чет эл делегациялари аъзолари, қолганларини, Кизил Майдонни совет қишилари банд қилишди. Минбарга илгариги раҳбарият аъзолари ва дафн комиссияси аъзолари, шунингдек, социалистик давлатларнинг раҳбарлари, халқаро коммунистик ҳаракатнинг таникли арбоблари кўтарилишди.

Н. С. Хрушчев қискача нутқ сўзлаб, мотам митингини очди. Сўнгра Г. М. Маленков, Л. П. Берия, В. М. Молотовлар гапиришди, шундан кейин мотам митинги ёпилиб, ҳамма пастга тушди. Совет раҳбарлари тобутни кўтаришиб, В. И. Ленин Мавзолейи томон юришди, у ерда мутахассислар И. В. Сталин жасадини тобутдан олишиб, саркофагга кўйишди. Спасск минорасидаги соатлар 12.00 га бонг урди ва замбараклар 30 марта ўқ узиб салют берди, 3 минут давомида заводлар, фабрикалар, паровозлар, пароходлар гудок чалиб туришди, қорхоналарда 5 минутга иш, ҳаракатлар тўхтади. Кейин партия ва мамлакат раҳбарлари минбарга кўтарилишди. Москва қорнизи бўлинмалари Мавзолей олдида қадам ташлаб ўтишди, самолётлар саф тортиб учишди. И. В. Сталинга сўнгги бор ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди.

Дафн маросими аниқ белгиланган соат-у минутда тугатилди. Ҳамма ўз жойига жўнаб кетди, биз ҳам Тошкентга қараб учдик. Бир неча кундан кейин яна Москвага қайтиб

келдик, аввал КПСС МК Пленуми, кейин СССР Олий Кенгашининг сессияси бўлди, уларда партия ва Вазирлар Кенгаши олий идоралари тузилишидаги ўзгаришлар, раҳбар арбобларнинг янги вазифаларга тайинланиши расмийлаштирилди, бу тадбир Сталин хали хаётлигида чиқарилган фавкулудда кўшма мажлисда олдиндан келишиб олинганди.

Ярим йилдан ортиқ муддат партия МК Биринчи котибсиз ишлади, 1953 йилнинг 3—7 сентябрида КПСС МК Пленуми бўлиб ўтди, унда Н. С. Хрущевнинг «Мамлакат кишлок хўжалигини янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги маърузасини муҳокама қилишди. Ўша Пленумнинг ўзида Г. М. Маленков таклифи билан Никита Сергеевич МКнинг Биринчи котиби қилиб сайланди. Биз ҳаммамиз унга бир оғиздан овоз бердик, чунки у ўтган ойларида Берияни лавозимидан бўшатиб, жиний жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорни қабул қилишда, қатъий қилинган 37 врач ва Ленинград раҳбарларининг ишини қайта кўриб чиқишда ҳамда уларни оқлашда муҳим роль ўйнаб анча танилиб қолганди.

Хрущевнинг юқори лавозимни эгаллаши яна Леонид Ильичга йўл очиб берди. Улар илгаридан яхши таниш эдилар. Никита Сергеевич уруш тамом бўлганидан кейин Запорожье вилоят партия кўмитасининг биринчи котиби, 1947 йил ноябрдан Днепропетровск вилоят партия кўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаган Л. И. Брежневнинг кўтарилишига кўмаклашди. 1950 йилда Молдавия партия ташкилотини мустақамлаш зарурати тугилганда, Никита Сергеевич Л. М. Кагановичнинг кўллаб-қувватлаши билан Брежневнинг номзодини Сталинга таклиф қилди. Шундан сўнг, партия XIX съезди тугагач бўлган МК Пленумида (1952 йилнинг октябри) у МК котиби ва КПСС МК Президиуми аъзолигига номзод этиб сайланди. Лекин у партия Марказий Кўмитасида 4 ойдан сал кўпроқ ишлади. Н. С. Хрущев хокимиятга келиши билан Л. И. Брежнев сиёсий таржимаи холининг янги босқичи бошланди.

Никита Сергеевич МКнинг Биринчи котиби бўлиши биланок кишлок хўжалигига алоҳида эътибор берди. Катъиятли ва тиниб-тинчимас бу одам мамлакатда бир зарб билан озик-овқат муаммосини хал этиш воситасини излай бошлади. У шу мақсадда олимлар билан бирга жумхуриятлар, ўлкалар, вилоятларни айланиб чиқди, дехқонлар билан маслаҳатлашди, чет эл мамлакатларининг тажрибасини ўрганди, ахийри маккажўхориға каттик ёпишиб олди. Совет ҳукуматининг меҳмони сифатида Москвага келган машҳур америкалик фермер Гарст Н. С. Хрущев билан қилган суҳбатларида маккажўхорининг афзал томонларини роса мактади, ундан неча-неча миллион сўм фойда кўрганини гапириб, Никита Сергеевични лол қолдирди. Ажойиб украин бугдойидан мўл-кўл ҳосил етиштирган, миришқор галлакор, халқ академиги Александр Гиталовни «маккажўхори илмини» ўрганиб келгин, деб Гарс фермасига жўнатди. Орадан кўп вақт ўтмай бу экинни ҳамма жойда эка бошлашди. Ўрта Осиёда маҳаллий иқлим, тупроқ, сув шароитларидан келиб чиқиб, асрлар давомида бу ўсимликнинг турли навларини экиб келишганлигига қарамай, маккажўхорини пахта билан алмашлаб экиш системасини мажбуран киритишди. Маккажўхори фақат «дала маликаси» бўлибгина қолмай, шунингдек Кремлда, Георгий ёки Екатерина залларида ўтказиладиган махсус зиёфатларда дастурхонга тансиқ таом сифатида тортиладиган бўлди. Унинг фазилатларини кўкка кўтариб макташ, имкони борича Никита Сергеевичга ҳушомад қилиш расм бўлиб қолди.

Бирок маккажўхориға муқкасидан қетган Никита Сергеевич битта жўхори билан халқни, мамлакатни тўйдириб бўлмаслигини тушунарди. Энди у кўриққа қўл урди. У Россия

Федерацияси ва Козогистоннинг чўл вилоятларини айланиб келди, ВАСХНИЛ олимлари билан неча бор суҳбатлашди, кўрик галла етиштиришнинг реал ва кудратли манбаи эканлигига ишонч ҳосил қилди. У ўз таклифлари, ҳисоб-китобларини тайёрлаб, мутахассислар билан бир неча бор муҳокама қилиб, сўнг МК Пленумига олиб чиқди. Унинг докладини эшитиб бўлгач, муҳокамада биринчи бўлиб Климент Ефремович гапирди. У докладни танқид қилар экан, шундай деди: «Ўзингиз кўриб турибсиз, факат кишлоклар, туманлар эмас, хатто Марказий Россиянинг бутун бошли вилоятлари канчалик оғир, хароб аҳволда. Одамлар иш ва нон излаб тугилиб ўсган жойларини ташлаб кетмокдалар, халқ турмушини яхшилаш учун бирор жиддий иш қилинганми йўқ. Аҳволни яхшилаб ўрганиб, тадбир-чоралар кўриш ўрнига сен кўрикни гапириб ўтирибсан, халқ пулларини бекорга совурмокчимисан?» Кизгин тортишувлар узок давом этди. Вячеслав Михайлович Молотов лўкма ташлади: «У (Хрущев) кўрик деб бошига бир балони орттиради».

Нихоят, қарор қабул қилиндию кўриққа хужум бошланди. Кўп вилоятларда раҳбар кадрлар янгиланди, Козогистонни мустаҳкамлаш учун у ерга бирданига КПСС МКнинг собиқ икки қотиби юборилди. П. К. Пономаренко Козогистон Компартияси МКнинг биринчи, Л. И. Брежнев эса иккинчи қотиби қилиб сайланди. Бунда иш манфаатларидан эмас, балки кўпроқ шахсий фикр-мулоҳазалардан келиб чиқилди. Гап шундаки, Никита Сергеевич Пантелеймон Кондратьевични унчалик ёқтирмасди, иккови ҳам МК қотиби бўлганларида бир-бирларини ёмон кўриб қолишганди. Никита Сергеевич бу одамни Олмаотага жўнатишга қарор қиларкан, афтидан, уни пойтахтдан узокроқда ушлаб турмокчи эди, эҳтимол, Пономаренко ўз сиёсий таржимаи холини Козогистон чўлларида тугатади, деб умид қилган бўлса ҳам керак. Брежнев эса ўз одами, унга содиқ, у биринчига кўз-қулоқ бўлибгина қолмай, кўрик билан ҳам шугулланади. Худди ўйлаганидай бўлди. 1954 йилнинг февралида Козогистон Компартияси МКнинг биринчи қотиби қилиб сайланган Пантелеймон Кондратьевич 1955 йилнинг августида бу вазифасидан озод қилинди. Унинг ўрнини Л. И. Брежнев эгаллади.

Леонид Ильич атиги 5 ой ишлагандан кейин, XX съездда (1956 йил, февраль) Никита Сергеевичнинг кўрик ерларни ўзлаштириш борасидаги узокни кўзловчи, доно сиёсатининг ажойиб натижалари тўғрисида тўлиб-тошиб гапирди, бу ерларда жуда кўп галла, бошқа маҳсулотлар етиштирилаётганлиги, харажатлар ўзини оқлаганлигини, энди мамлакат галла билан тўла-тўқис таъминланишини, чорвачилиқни кўтариш учун шарт-шароитлар яратилишини маълум қилганида эса гулдурос қарсақлар янгради. 1956 йилнинг 27 февралида МК ташкилий масалаларни кўрган Пленумда у, энди иккинчи марта МК қотиби ва КПСС МК Президиуми аъзолигига номзод қилиб сайланди. Кейинроқ эса, МК июль (1957 й.) Пленумида Л. И. Брежнев КПСС МК Президиумининг аъзоси бўлди. Буни ҳеч қим қутмаганди, чунки Президиумдагиларнинг кўплари, унинг сиёсий мартабаси тугади, деб ўйлашганди. Маленков, Каганович, Молотов гуруҳининг Хрущевга ва КПСС XX съезди йўл-ўриқларига қарши чиқишлари матбуотда эълон қилина бошланган эди. МК Президиумининг биринчи мажлисида бошқалар қаторида Л. И. Брежнев ҳам сўз олиб, Хрущевни ҳимоя қила бошлаган ҳам эдики, Каганович унинг гапини ҳақоратомуз сўзлар билан шартта бўлди. Леонид Ильич эътироз билдириш у ёқда турсин, чурк этолмай жойига ўтирди. Тушлиқдан кейин у мажлисга келмади, тоби қочиб қолибди, дейишди. Шу-шу Президиум мажлисининг охиригача қатнашмади. Ёдимда, мунозаранинг сўнгги қунида Н. С. Хрущев, М. А. Сулов, Г. К. Жуков, Е. Фурцева ва қамина Н. С. Хрущевнинг хонасида кечаси алламахалгача ўтириб, пленумни тайёрлаш

тўгрисида бош котирдик, Никита Сергеевич, Брежневнинг хулкидан газабланиб, уни кўркок, тутуруксиз, деб атади. МК аъзоларидан бир гурухи маршал И. С. Конев бошчилигида, Президиумнинг охириги мажлисида уларнинг тазйики остида МК Пленумини чакириш тўгрисида гаплашиб олингандан кейин бўлган мажлисда раисликни яна Н. С. Хрущев ўз кўлига олганида (бунгача Н. А. Булганин раислик килганди) Никита Сергеевичга хат узатишди. У хатга кўз югуртириб чиккач, ўтирганларга ўкиб берди. Хат Брежневдан бўлиб, унда МК Президиуми мажлисларида катнашолмаганимга ўкинаман, Никита Сергеевични ва унинг сиёсатини тўла кўллаб-кувватлайман, гурухбозларни каттик жазолаш керак, деганди, Никита Сергеевични табриклаганди.

Мана шу кичкина хат Леонид Ильич такдирида катта роль ўйнади — Никита Сергеевичнинг кайфиятини ўзгартириб юборди, унга бўлган илгариги муносабатини тиклади ва Пленумда КПСС МК Президиуми аъзоси килиб сайланди.

МК котиблари ўртасида вазифаларнинг таксимланишига мувофик Л. И. Брежнев саноат, курилиш, мудофаа масалалари билан шугулланарди. Армияни куролларнинг энг янги турлари билан куроллантириш ва космик даврни очишда мамлакатимиз эришган буюк ютуқларни бутун олам ўшандаёқ тан олган эди.

Сталин, Трумэн ва Черчилъ ўрталарида Потсдамда бўлиб ўтган, кўпчиликка маълум суҳбатдан кейин жуда киска муддатда СССРда атом, водород, ракета саноати яратилди. Совет давлатининг кудрати мустахкамланди. Бу тармоқлардаги ишлар тахминан куйидагича шаклларда амалга оширилди. Кудратли илмий-назарий фронт яратилиб, унга Ватанимизнинг энг зўр олимлари жалб этилганди, уларга инсоният тафаккури дахолари «Уч К» — Курчатов, Королёв, Келдишлар рахбарлик киларди.

МКдаги учрашувларнинг бирида академиклар Сахаров билан Ландауни кўргандим. Бу учрашув хакида батафсил гапирмай ўтолмайман.

Ядро физикасидан беҳабар бўлган — менда Андрей Дмитриевич тўгрисидаги биринчи таассурот унутилмас бўлиб колди. У кўринишдан — оддий, котма одам, ташки киёфаси киши эътиборини тортмасди. Кўп гапирмас хам эди. Одамларни диккат бўлан тинглаб, ўша захоти жавоб беришга харакат киларди. Хайрон коларли томони бошка эди. Уни беҳудага водород бомба яратиш назариясининг асосчиларидан хисоблашмас эди. Лекин у ўша пайтдаёқ ўзи яратган нарсага кескин ва асосли равишда карши чикди. Ядро куроли устидан хукуматдан холи бўлган жамоат назорати ўрнатишни талаб килди. У ўзининг илмий фаолиятига нисбатан, демократия, инсон хукуклари, чинакам инсонпарварлик тўгрисида кўп гапирди. Чорак асрдан сўнг мен уни халк депутатлари съездида телевизор оркали тинглаб, у ўз эътикодларига содик колганлигига ишонч хосил килдим. Биринчи марта эса бу кишининг ўз йўлидан кайтмаслиги, изчиллиги, инсонпар-варлиги мени койил колдирган эди. У бизнинг хотирамизда шундай бўлиб колди.

Совет олимлари, инженер-техник ходимларининг таланти ва бутун совет халки кўллаб-кувватлаган ишчилар синфининг кахрамонона меҳнати билан мамлакатимиз куролларнинг янги турлари нисбатида туб ўзгаришларга эришди. Гарбнинг бу воситалардаги афзаллигини йўкка чикарди. НАТО ва Варшава битими харбий-стратегик имко-ниятларида тенгликка эришилди. Бунда бутун партия, бутун халкнинг хизмати бор. Бусиз ядро куроллари кискараётган ва биз совук уруш тамом бўлаётганлиги хакида гапирётган хозирги даврдаги халқаро хаётдаги катта ўзгаришларнинг бўлиши мумкин эмас эди.

Ишлаб чикаришни тўгри ташкил этиш ва синашга бевосита вазирлар Ванников, Славский, маршал Неделин рахбарлик килишарди. Хукумат органларининг бу соҳадаги бутун

фаолияти билан Завенягин, КПСС МКда эса Л. И. Брежнев шугулланарди. Бу ишга алоқадор одамларнинг ҳаммаси ўшанда партия ва давлат бўгинларида, махсус конструкторлик бюрolariда, лабораторияларда, заводларда, полигонларда, шахталарда канчалик зўр бериб меҳнат килинганини яхши эшлади. Масалан, инсонни космосга учиришни ташкил этиш масаласи амалий тарзда кўйилганда олий раҳбариятда бу масаланинг ҳамма томонлари батафсил, атрофлича, икир-чикиригача ўрганилди. Мутахассис ва ташкилотчилар билан деярли ҳар куни учрашардик. Космонавт ва техни-канинг бешикаст учиб, кайтиб тушишига тўла ишонч ҳосил килинганидан кейингина бу ишга руҳсат берилди.

1961 йил 12 апрель воқеасини кўрганлар, тарихда биринчи марта совет кишининг космосга учиши ва Юрий Гагариннинг она ер бағрига эсон-омон кайтиб келишининг шохиди бўлганлар бу ҳаяжонли кунларни ҳеч қачон унутмайдилар. Президиумнинг бутун состави, москваликларнинг деярли ҳаммаси, шунингдек, пойтахт меҳмонлари аэропортга, кўчалар ва майдонларга, уйларнинг томларига, балконларга чиқишиб, севинчлари ичларига сигмай, Гагарин билан учрашувни сабрсизлик билан кутишарди. Юра самолётдан чиқиб, кўлини кўтариб ҳаммани олқишлаганида, сўнгра пастга тушиб, пойандоздан шахдам қадамлар билан юриб (ботинкасининг ипи ечилиб кетганига қа-рамай) минбар олдига келганидаги вазиятни ҳечам таърифлаб-тавсифлаб бўлмади. У Президиум аъзолари олдига келиб, учишнинг муваффақиятли яқунлангани тўғрисида рапорт берди. Шу пайт ҳамма уни бағрига босиб, ўпа бошлади. Кейин эскорт аэро-портдан Кизил майдонга қараб йўл олди. Москваликларнинг айтишича, пойтахт кўчала-рида одам ҳеч қачон бунчалик кўп бўлган эмас, бутун шаҳар ахли Ю. Гагаринни олқишлаш учун оёкка турганди.

Ўша куни кечқурун инсоннинг космосга биринчи бор учиши шарафига Кремлнинг ҳамма залларида тантанали қабул маросими мўлжалланган эди. Ҳамма ташкилий тадбирлар қозғалди олдиндан белгилаб чиқилганди, кимнинг нима қилиши кўрсатилганди. Шунга келишилгандики, Гагарин кўриниши билан Кремль саройининг асосий эшиги зинаси олдида унга биринчи бўлиб Никита Сергеевич пешвоз чиқади, кейин бошқа хонага тўпланишган Президиум аъзолари кўшилишиб биргаликда юқорига кўтарилишади. Лекин бундай бўлмади; оркестрнинг тантанали марши янграб, Президиум аъзолари ён томондаги хонадан чиқишга бериладиган хабарни сабрсизлик билан кутиб туришди. Бу хабарни бизга залда турган Брежнев етказиши керак эди. Лекин ундай бўлмади. Унинг ўрнига олдимизга Малин келиб Никита Сергеевич билан Гагарин Георгий залида кутиб туришибди, деди. Биз сездирмасдан бошқа томондан қиришга мажбур бўлдик, залда аллақачон тантанали учрашув бошланган, ҳамма уларни табриклашарди, оркестр эса Глинканинг «Славься» қахрамонлик симфониясини чаларди. Қабул жуда чиройли ўтди.

Эртасига Президиум мажлисида Никита Сергеевич нега ишни келишилгандай қилмадинглар — Президиум аъзолари залга мен ва Гагарин билан бирга кўтарилишмади, деб биров танбех берди, хатто «даргазаб» бўлди. Кимдир бизга хабар қилишмади, деди. Никита Сергеевич Леонид Ильичга мурожаат қилди: «Бу сизга топширилганди-ю». Брежнев бошини эгганича, «ха, айб менда», деди. Киёфаларидан сезилмаса-да, лекин улар ички бир қониқиш ҳосил қилганликлари билиниб турарди. Ахир, жуда муҳим бир лаҳза — Хрущев билан Гагарин — икковлари фанфара садолари ва гулдурас карсақлар остида Кремлнинг гилам пойандоз солинган зинасидан

тантанавор кўтарилиши тарихга кириб қоладиган бўлди. Брежневнинг бу хизматини Хрушчев хойнахой муносиб баҳолаسا керак.

Шунда Никита Сергеевич, вақти келганда, айнан шу одам уни каттик, айтиш мумкинки, раҳмсизларча жазолаб, улкан мамлакатнинг тепасига ўзи чиқишини ўйлаганмикан? Дарвоқе, Л. Н. Брежневни биринчи ўринга чиқариб қўйган октябрь (1964 йил) Пленуми ташкилотчилари бу одамнинг фазилатларини ҳам, камчиликлари ва заиф томонларини ҳам яхши билишарди. Мустасно эмаски, бу одамни кўтарганлар, у бизнинг етовимизга юради, истакларимизнинг итоатгўй ижрочиси бўлади, биз эса унинг мавқеидан фойдаланиб, ўзимиз ҳамма ишни бошқариб, раҳбарлик қиламиз, деб ўйлаган бўлишлари ҳам мумкин. Лекин бу мўлжал хато бўлиб чиқди ва нафакат уларга, балки партияга, мамлакатга, халққа қимматга тушди.

Л. И. Брежневни МКнинг Биринчи қотиби қилиб сайлаганларида мен Центрсоюзда ишлардим. Кейин эса узок вақт дипломатия соҳасида—Сурия Араб Жумҳуриятида элчи бўлиб ишладим. Табиийки, жуда кам учрашардик, шунинг учун ҳам унинг кейинги йиллардаги ҳаёти ва фаолияти тўғрисида батафсил гапиролмайман, Шу боисдан, ташқи сиёсат, миллий муносабатларнинг у билан мулоқот пайтларида кўтарилган айрим томонлари, ундаги характернинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида қисқача тўхталмоқчиман.

А. А. Громико Кремлнинг катта Съездлар саройида беш минг тингловчи олдида қилган бир маърузасида шундай деганди: «Леонид Ильич, айтишим мумкинки, ташқи сиёсатни моҳирона олиб боради» (Гулдурок қарсақлар). Мен бу ҳушомадни тинглаб, халқаро ишлардаги ақидапарастлик, мазабчилик, улардан дипломатияда фойдаланиш қандай хунук оқибатларга олиб келиши мумкинлиги тўғрисида ўйладим. Йўқ, мен ҳозир мода бўлганидек, ўтган йилларда қилинган ҳамма ишларга қизик тортиб юбормоқчи эмасман. Совет раҳбарияти ва ташқи сиёсат кадрларининг гайрат-шижоати туфайли, ҳар томонлама чора-тадбирларни қидам билан амалга ошириб бориб, АКШ ва СССР давлат раҳбарларининг Венадаги учрашуви ҳамда Хавфсизлик юзасидан Хельсинкидаги Кенгашнинг ўтказилишига муваффақ бўлинди. Венадаги битимга Брежнев ҳам имзо чекди. Хельсинки анжуманининг яқунловчи ақти тагида 35 давлат ва ҳукумат раҳбарлари, шу жумладан, Леонид Ильичнинг ҳам имзоси бор. Бу ҳужжатлар тарихга қирди ва ўзининг муҳим аҳамиятини сақлаб қолмоқда. Айни пайтда шуни ҳам қайд этиш керакки, Брежнев раҳбариятининг бюрократларча муносабати бизнинг ташқи сиёсатимизга, жумладан яқин Шарққа салбий таъсир кўрсатди. Маълумки, бутун Шарқ аҳолиси Улуг Октябр социалистик инқилоби галабасини зўр қувонч билан қарши олган эди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки кунларида, Антанта давлатлари ва ички ақсилқилобий қучлар большевизм ҳамда Совет ҳокимиятини йўқ қилиб ташлаш ниятида қуролли кўзғолонни авж олдиришган бир пайтда, Шарқ мамлакатлари Советлар жумҳурияти билан бирин-кетин дипломатик алоқаларни ўрната бошладилар. Афсуски, бир неча йилдан сўнг мустамлақачи давлатлар Совет давлатининг Шарқ мамлакатлари билан яқинлашувини чеклаб, бу жараённинг олдини олишга муваффақ бўлишди.

Герман фашизми ва япон милитаризмининг тор-мор қилиниши, Совет Иттифоқи халқ қилувчи роль ўйнаган иккинчи жаҳон урушининг қолибона тугатилиши дунё сиёсий харитасидаги қучлар нисбатини тубдан ўзгартириб юборди, мустамлақачи давлатларга

карам бўлган ўнлаб халклар ажнабийлар хукмронлигидан кутулишиб, ўз нигохларини СССР томонга карата бошладилар, Совет Иттифоки уларни хар томонлама кўллаб-кувватлади.

Ёш мустакил давлатлар билан СССР ўртасида якинлашувнинг янги боскичи бошланди. Шарк Москва, КПСС Марказий Кўмитаси, СССР Олий Кенгаши Президиуми, ҳукумат ва бошка органларнинг диққат марказида бўлди, барча сохаларда, турли шакллар-да хамкорлик кенг кулоч ёйди. Нигохни Шаркка каратиш борасида кўп ишлар килинди, бунга Патрис Лумумба номидаги дорилфунун ташкил этилганлиги? дастлабки космик кемага «Шарк» номи берилганлиги ва бошка тадбирлар мисол бўла олади.

Ўша йилларда Совет Иттифокининг Якин Шарк билан алоқасини тобора мустахам-лашда ва кенгайтиришда олий давлат арбобларининг ўзаро визитлари, бу муносабат-ларнинг инсонпарварлик, тенг ҳуқуқли характери, СССРнинг бу китъанинг эзилган ва хўрланган халкларига ҳурмат билан муносабатда бўлганлиги муҳим роль ўйнади.

Мисол тариқасида, 50-йилларнинг ўрталарида КПСС МКининг ўша вақтдаги котиби ва ташки ишлар вазири Д. Т. Шепиловнинг Кохирага борганлигини айтиш мумкин. Унинг советларнинг Якин Шаркдаги сиёсатини ошқора, аниқ ва равшан баён килиб берганлиги бу регион халкларининг СССРга бўлган меҳрини, хайрихоҳлигини яна хам ошириб юборди.

Шу билан бирга, Шаркка оид сиёсатнинг айрим жихатларида акидапарастлик ва мазхабчилик аломатлари кўрина бошлади, юкори мансабли баъзи бир арбоблар марксча-ленинча таълимотни тор, субъектив тушуниши дипломатиямиз имкониятларини чеклаб кўя бошлади.

Мана, масалан, араб давлатларини олайлик. Айрим мафкурачиларимиз ва олимларимиз кабинетда ўтириб олишиб, уларни бир неча гуруҳларга бўлиб чиқишди. Подшолик тузумидаги мамлакатларни консерватив ёки реакцион давлатлар деб аташди, жумҳурият тузуми ўрнатилган мамлакатларни социалистик йўналишдаги ёки социализм йўлидан бораётган давлатлар каторига кўшишди. Ташки сиёсатни мана шу схема асоси-да олиб боришди.

Яхши шарт-шароитлар бўлгани холда акидапарастлик, мазхабчилик йўлидан бориб, фаолиятимиз доирасини ўзимиз чеклаб кўйдик, подшолик тузумидаги давлатларни, умуман хар кандай давлатларни, улар кандай бўлса шундайлигича қабул килиш ва ўша давлатлар билан уларнинг катта ёки кичиклигидан, ички тузуми кандайлигидан катъи назар, муносабатларни тенг ҳуқуқлилик асосида ўрнатиш ўрнига, дипломатиямиз жуда камдан-кам ташаббус кўрсатарди, у ёки бу мамлакат дўстлик кўлини узатгудай бўлса баъзида эътиборсиз колдириларди, кўллаб-кувватланмас эди.

Араблар (Миср, Сурия, Иордания) навбатдаги урушда (1967 йил, июнь) ўз ҳудудларининг яна бир қисмидан маҳрум бўлдилар, канчадан-канча инсон кучлари ва моддий бойликларидан ажралдилар. Уруш тугаганидан бир ой ўтгач, бизларни — таникли шаркшунос, журналист Павел Демченко ва бошка ўртоқларни жойлардаги аҳвол билан танишиш, одамларнинг кайфиятини билиш, мамлакат раҳбарлари билан учрашиш мақсадида Сурияга юборишди. Суриянинг ўша пайтдаги президенти Атаси, бош вазир Хлефави, ПАСВ (Араб Социалистик Уйғониш партияси) иккинчи котиби Жаидид, мудофа вазири Х. Асад, ташки ишлар вазири Махус, Сурия Компартияси раҳбарлари Богдош ва Файсал, харбий бошликлар, рухонийлар, турли сиёсий партиялар ва Фаластин озодлик харакати йўлбошчилари билан бўлган суҳбатлар натижалари, шунингдек жанг

майдонларида ва Кунейтр шахрида кўрган-кечирганларимиз тўғрисида КПСС МКига батафсил маълумот бердик. «Правда» газетасида макола эълон килдик.

Москвада Совет — Сурия дўстлиги жамияти тузилди. САЖ билан ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш юзасидан кенг қарор қабул килинди.

Шуни айтиш керакки, бутун диққат-эътиборни жумхурият режимларига қаратиб, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатдик, кўллаб-қувватладик. Бунга Асувон ва Фирот гидротехника комплекслари, металлургия ва машинасозлик заводлари, портлар, йўллар, давлат хўжаликлари, сугориш иншоотлари, электростанциялар, ўқув юртлири, шифохоналар ва бошқа объектлар қурилишини мисол қилиб келтириш мумкин. Буларнинг ҳаммаси Совет Иттифокининг бу минтақадаги кўшилмаслик ҳаракатидаги ва жаҳон майдонидаги обрў-эътиборини, довругини ошириб юборди.

Гарбда баъзи бировлар ўшанда, ҳозир ҳам 1973 йил октябридаги араблар билан Исроил ўртасидаги уруш учун айбни маълум даражада СССРга тўнқамокчи бўлишади. Бунинг учун ҳеч қандай асос йўқ. Аксинча, Совет Иттифоқи ҳарбий низонинг олдини олиш учун кўп ҳаракат килди. 1973 йилнинг бошларида президент Асаднинг ПАСВ, ҳукумат ва Миллий фронтнинг бошқа аربоблари билан бирга Москвага келиш истаги борлигини элчихонамизга маълум қилишди. Табиийки, бу хабарни ўша захотиёқ етказдик ва ижобий жавоб олдик. Кремлда Совет раҳбарлари билан бўлган суҳбатда Х. Асад Сурия ва Мисрдаги разведка ва бошқа хабарларга қараганда Исроил ўз кўшинларини чегарага яқин жойга тўплаётганини, ҳужумга зўр бериб тайёргарлик кўраётганини, шу кунларда уруш бошланиб кетиши мумкинлигини айтди.

Л. И. Брежнев ва А. Н. Косигин янги қуролли тўқнашувга ҳечам йўл қўймаслик, Исроилнинг ҳужум қилишга баҳона топмаслиги учун қўлдан келган ҳамма ишни қилиш зарурлигини қатъий тайинлаб, Совет Иттифоқи араб-исроил урушига мутлақо қарши эканлигини таъкидладилар. Ўзаро бир фикрга келишди. Сурия делегацияси Москвадан Дамашққа қўнмай, тўппа-тўғри Кохирага учиб кетди. Асад бу ерда Садат билан юзма-юз учрашиб, батафсил гаплашди. Совет раҳбарлари бундай шароитда АКШ президенти билан Исроилга маълум маънода таъсир кўрсатишни илтимос қилган бўлишлари мумкин. Бирок воқеаларнинг бориши бошқача тус олди. Ўша йилнинг 6 октябрида, кечаси алламаҳалда президент Асаднинг совет элчисини кўрмокчи эканлигини маълум қилишди. Кечаси биз элчихона маслаҳатчиси Султонов билан бирга президент ёрдамчиси ҳамроҳлигида унинг машинасида элчихонадан жўнаб кетдик. Президент резиденциясидан, унинг квартираси ёнидан ўтиб, ташландик бир бокка кирдик. Ёрдамчи қўл фонари билан йўлимизни ёритиб борарди, қоронғуда яширин зинадан чуқур бир ертўлага тушдик. Бу ер остидаги қатта бир иншоот эди. Йўлакдан бир неча қадам юрдик, ён томондаги хонадан ҳарбий формада президент Асад чиқиб, биз томон кела бошлади. Қўшни хоналарда қарийб ҳамма етакчи ҳарбий бошлиқлар тўпланишганди.

Маълум бўлдики, бу олий бош қўмондоннинг дала штаби экан, бу ерда иш қилиб кетганди. Биз бош қўмондон хонасига кирдик. У, Исроил Суриянинг аҳоли пунктларини ўққа тутат бошлаганини, авиацияси мамлакат осмонида учиб юрганини, бомбардимон қилаётганини, чегарада жанговар ҳаракатлар бошланганини маълум қилди. Урушнинг олдини олиш мумкин бўлмасмикин, деган саволга у, ҳамма чора-тадбирларни ишлатиб кўрдим, натижаси бўлмади, деб жавоб қилди. Миср чегараларида жанглар кетяпти, деди у сўзида давом этиб.

У харитадан икки томоннинг ҳам қучлари жойлашган пунктларни кўрсатди, ҳарбий

харакатларнинг келгусида қандай ривожланиши мумкинлигини айтиб, бу сафар уруш узокка чўзилмайди, деди. Сўнгра у барча араб мамлакатларида, халқаро кўламда ички кучларни сафарбар этиш борасида кўрилатган тадбирлар тўғрисида гапирди. Совет томони янги, анча хавфли вазият юзага келганини ҳисобга олиб, битимда белгиланган ўз мажбуриятларини бажаришга тезроқ киришар, деб умид билдирди.

Биз бу ҳақда дарров марказга хабар қилдик. Айтиш мумкинки, ўша кундан бошлаб Кремль билан президентнинг Дамашқдаги бункери ўртасида бевосита алоқа ўрнатилди. Мамлакатимиз битим доирасидаги ўз мажбуриятларини барча моддалар бўйича, биринчи навбатда иқтисодиёт, ҳарбий техникани етказиб бериш ва бошқа соҳалардаги мажбуриятларини беками-кўст изчил бажариб турди. Бизнинг маслаҳатчилар ва мута-хассисларнинг ҳарбий ҳаракатларда иштирок этиши катъиян ман қилинганди, улардан биронтаси уруш майдонида ҳалок бўлмади ва асирга тушмади. Бизнинг инженер-техника ходимларимиз ва малакали ишчиларимиз Сурия — Совет ҳамкорлиги объектларида виждонан, ҳалол меҳнат қилибгина қолмай, уларнинг ҳар бири фронтга кетган икки-уч суриялик ҳамқасбларининг ўрнида ҳам ишларди. Бир неча кун ичида совет хотин-қизлари, болалари самолёт ва теплоходларда Суриядан олиб чиқиб кетилди, битта одам ҳам шикаст емади. Элчихона, савдо ваколатхонаси ходимлари, иқтисодий маслаҳатчилар, аташше ва бошқа ходимлар қазарма ҳолатига ўтиб, ҳаммалари бир жойда яшашди.

Совет ҳукумати жаҳон жамоатчилигининг диққат-эътиборини тортиш, БМТ хавфсизлик кенгаши орқали урушни тўхтатиш ва низони тинч йўл билан ҳал этиш учун дипломатик фаолиятни авж олдириб юборди. Оғир, машаққатли жанглар борар эди. Ис-роил самолётлари Совет маданий маркази, Сурия армиясининг бош штаби ва бошқа биноларни бевосита ракетадан ўққа тутгани учун бир неча совет қишиларидадан жудо бўлдик.

АҚШ билан биргаликда астойдил изланиш натижасида БМТ Хавфсизлик Кенгашида халқаро конференцияни чақириш тўғрисида келишиб олинди. Сурия аскарлари ва офицерлари мардонавор жанг қилдилар. Лекин ўша кунлари Миср президенти Садат Синайдаги ҳарбий ҳаракатларни сира қутилмаганда бирдан тўхтатиб, ўз иттифокдоши Сурияни Исроил билан яққам-яққам қолдирди. Сурияда фавқулодда оғир ва анча хавфли вазият юзага келди. Ироқ, Саудия Арабистони, Кувайт ва бошқа араб мамлакатларининг ҳарбий ёрдами етарли эмас эди.

Ташки сиёсий кучлар ҳаракати билан уруш Дамашқ остонасида тўхтатилди. Исроил, Сурия, Миср, СССР, АҚШ ва БМТ вакиллари иштирокида ўтган Женева тинчлик конференцияси урушни тўхтатиш ва урушдан кейинги келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал қилиш шартларини расмийлаштиришга олиб келдики, буни ҳамма зўр қониқиш билан қабул қилди. Шу муносабат билан СССР ташки ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Василий Васильевич Кузнецов бошлиқ совет дипломатларининг жуда катта ишини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим.

Лекин шу аснода Яқин Шарқдаги сиёсий ва дипломатия соҳаларидаги жуда катта имкониятларимиздан нақадар бўш фойдаланаётганимиз маълум бўлиб қолди.

Бу ўринда аввало тўрт сабаб тўғрисида гапириш мумкин: Исроил билан дипломатик алоқаларни узганлигимиз, подшолик тузумидаги давлатларга нисбатан мазҳабчилигимиз, кўпроқ шахсга таяниш, дипломатиямизнинг маънавий-психологик

асослари. Бу омилларнинг хаммаси ўзаро боғлиқ, лекин шунга карамай, уларни алохида-алохида, кискача караб чикамиз.

Суриянинг атокли сиёсий ва жамоат арбоблари арабларни, шу жумладан Сурияни бегараз ва катъий қўллаб-қувватлагани учун Совет Иттифокига миннатдорчилик билдириш билан бирга, СССРнинг Исроил билан алокани узганлигига ачинишди. Шуниси кизикки, келиб-келиб араблар афсусланишди. Бу сермулохазали одамлар, буюк давлат икки томонга баравар таяниб иш кўрсагина воситачи ролини ўйнаши мумкинлигини, низолашган томонларга бир хилда муносабатда бўлган, уларнинг биронтаси таъсирига берилмаган такдирдагина икки томонга хам таъсир кўрсата олишини яхши тушунардилар. Улар, Совет Иттифоки Исроил билан бевосита алока ўрнатса, ўз сиёсатини каттиқроқ ўтказиши мумкинлигига, исроилликлар билан музокараларда, алокаларда арабларга бирон-бир зарар етказмаслигига, аксинча уларнинг манфаатларини химоя қилишига астойдил ишонишарди.

Мен атокли араб арбобларининг бу фикр-мулохазаларини маъқуллашимни Сурияга 1967 йилда биринчи бор борганимдан кейинок Л. И. Брежневга гапирганимда, у тўғридан-тўғри шундай жавоб килди:

— Биласанми, мени сионистларга мойиллиги бор, арабларни, мусулмонларни хуш кўрмайди, деб айблай бошлашди. Ташки ишлар вазирлиги Исроил билан алокани узиш тўғрисидаги қарор лойихасини такдим этди, биз қабул килдик...

Менга айтган гапи шу бўлди. Бизнинг бу масаладаги ожизлигимиздан Гарб дипломатияси усталик билан фойдаланди. 1973 йил октябрь уруши кунларида, хамма ёқда дипломатик иш авж олиб кетган бир вақтда совет элчихонаси ходимларининг баъзида Киссенжерга хаваслари келарди. Громикога эса ачинишарди. Киссенжер бир кунда Кохира, Тель-Авив, Саудия Арабистонида бўлишга улгурарди, Дамашкка бир неча соатда келиб-кетарди. Андрей Андреевич эса ўзининг махобатли самолётида, улкан штати билан учиб келиб, вақтининг кўп кисмини шохона саройда ўтказарди, президент, ташки ишлар вазири билан учрашарди, бўлди-вассалом! Шунга бир канча кунини сарфлаб, яна учиб кетарди.

Бизнинг элчихонамиз Женева конференциясидан араб-исроил низосини тинч йўл билан хал қилиш учунгина эмас, балки исроилликлар билан бевосита алока ўрнатиб, совет-исроил муносабатларини тиклаш ва ривожлантириш масалаларини кадам-бака-дам муҳокама қилиш учун бир қулай восита сифатида фойдаланишни катъий таклиф этди. Андрей Андреевич Женевада Исроилнинг ўша пайтдаги ташки ишлар вазири Эбон билан умумий музокаралардагина учрашиб қолмай, бир неча бор яккама-якка суҳбатлашган хам эди. Назаримда, Женевада араб-исроил низосини тинч йўл билан хал этишга эришибгина қолмай, шунингдек, совет-исроил муносабатларини яхшилаш, уларни кенгайтириш учун хам йўл очилганди, зеро ўша шароитларда араблардан биронтаси бунга эътироз билдирмасди.

Афсуски, имкониятдан фойдаланилмади, бу иш яна тўхтаб қолди. Холбуки, фронт яқинидаги араб давлатларининг бошликлари Исроилнинг расмий кишилари билан учрашдилар, биргаликда Женева конференциясида катнашдилар. Президент Садат эса Миср билан Исроил ўртасида олий даражада икки томонлама алока ўрнатишга киришди, музокаралар давомида бир-бирларини тушунишиб, айрим муҳим масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишди.

Сурияда мен дипломатия корпусининг дуайени эдим. Совет Иттифокининг Исроилдаги

манфаатларини Тель-Авивдаги Финляндия элчиси химоя қиларди. У Дамашка бир неча бор келиб, Исроилда факат коммунистлар ёки босиб олинган худудлардаги арабларгина эмас, шунингдек, жуда кўп яхудийлар ҳам совет-исроил муносабатларининг тикланишини хохлашларини менга гапириб берганди.

Ўшанда подшолик тузумидаги ҳамма мамлакатлар (Саудия Арабистони, Бахрейн ва бошқа айрим мамлакатлардан ташқари) билан биз дипломатик муносабатлар ўрнатгандик, у юртларда элчихоналар барпо этилганди, малакали дипломатлар ишларди. Лекин ишлар зарур кўламда олиб борилмасдики, бу эса советларга қарши кучларга жуда кўл келарди.

Шахсга сизинишни коралаган холда, айникса Шарқда шахс ролига етарлича баҳо бермаслик мумкин эмас, албатта. Лекин агар ана шу шахс орқасидаги, у президентми, бош вазирми ёки бирон бир партиянинг йўлбошчисими, барибир, халқни — ишчилар, фаллохлар, зиёлиларни етарли даражада кўрмаслик, бу ёмон. Бунда позициямиз мустаҳкам бўлмайди. Аксинча, жамиятнинг ҳамма табақалари СССР сиёсатини, амалий фаолиятини билишса, уни кадрлашса, юқорида шахсларнинг алмашилиши нима деб аталмасин — инкилобми, мустаҳкамлашми, тўнтарилишми, фитнами, барибир улар биз билан алокани узмаганлар, давлат тепасига келган янги бошлиқлар Совет Иттифоқи билан ҳамкорликни давом эттирганлар. Жумладан, Жазаирда, Сурияда, Ироқда, Жану-бий Яман ва бошқа давлатларда шундай бўлди.

Ўшанда Судан билан Мисрда бунинг акси бўлди. Эсимда, мустақил Суданнинг биринчи президенти генерал Аббудни Москвада жуда яхши кутиб олишди, ҳар томонлама ҳамкорлик тўғрисида келишиб олинди, ёш давлатга очик кўнгиллилик, бағри кенглик билан ёрдам кўлини узатдик. Президент сокчиларининг бошлиғи Нумейри бир кечада тўнтариш қилиб, ўзи президент бўлиб олганидан кейин, ҳамма нарса ўзгариб кетди. Ёки Мисрни эслайлик. Араб халқининг буюк фарзанди, доно раҳбар Жамол Абдул Носир халқни оёққа турғизиб, унга раҳнамо бўлиб, миллий инкилобни амалга оширди. У Совет Иттифоқи билан ҳар томонлама халол, тўғри муносабат ўрнатди, ҳукуматимиз уни кўллаб-қувватлади, ҳамма соҳаларда ҳамкорлик кенг қулоч ёйди.

Рўзномалардан Носирга Совет Иттифоқи Кахрамони унвони берилганини ўқиганимдан кейин, ўша захоти Совет раҳбарлари билан бўлган суҳбатда бу иш чакки бўпти, дедим. Носирнинг Совет Олтин юлдузини бирон марта такмагани ҳам бежиз эмас.

Мисрликлардан баъзилари Москвада менга Совет Иттифоқининг Мисрда самимий муносабати биз арабларда ҳеч қандай шубҳа тугдирмайди, Носир ҳам СССР билан бажонидил ҳамкорлик қилади, деб гапиришарди. Лекин бошқа мамлакатлардагина эмас, балки Мисрнинг ўзида ҳам душманлар, ичи қора одамлар оз эмасди. Улар бу фактдан Носирнинг обрўсини тўқиш учун фойдаланишга, у Олтин юлдуз учун Совет Иттифоқига сотилди, деган игво гапларни тарқатишга уринишди. Баъзи бировлар, Шарқнинг айрим ёш йўлбошчиларини «мана шундай йўл билан кўлга оляпсизлар», деб бизларга ҳам айб қўйишди, Афсуски, Носир тўсатдан вафот этди. Унинг ўрнига Садат келди. У қиска муддат ичида ҳамма нарсани ўзгартириб юборди, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатни энг паст даражага тушириб қўйди.

Нихоят, Шарққа оид сиёсатимизнинг маънавий-психологик асослари хусусида гапирмокчиман. Асрлар давомида мустамлакачилар томонидан эзилиб, хўрланиб, таланиб келинган мустамлака мамлакатлари халқлари тенглик, яхши муносабат,

инсоний кадр-кимматни эътироф этиш; кўхна тарихи, бой маданияти, маънавий оламини кадрлаш туйғусини айникса чуқур хис этадилар... Шунинг учун сал бўлсаям назар-писанд килмаслик, майда-чуйда нарсаларда ўз устунлигини кўрсатиш ёки жиндек танбех ҳам, турмуш тарзини, таомларини, урф-одатларини менсимаслик ҳам уларнинг иззат-нафсига тегади, огир ботади.

Шу ўринда бир факт келтираманки, бу менсимасликнинг жиндек кўриниши ҳам кандай хатарли окибатларга олиб келишини кўрсатади. 1974 йилда Суриянинг пре-зиденти Асад бошчилигидаги партия-давлат делегацияси Москвага келди. Биринчи расмий учрашувни Кремлда МК Сиёсий бюроси кабинетида соат 11 га тайинлашди.

Бутун дунёда жуда оддий бир коида бор: икки тенг делегация ёки давлат раҳбарлари расмий равишда учрашмоқчи бўлишса, залга бир вақтда баравар кириб келишади, ўртада тўхташади, бир-бирлари билан кўл бериб кўришишади. Биз ҳаммамиз, Совет делегацияси аъзолари соат 10 дан 50 минут ўтганда тўпландик, шу пайт Леонид Ильич ўрнидан турди-да, кўшни хонага чиқиб кетди, у ерда узок ушланиб колди. Шу пайт олдимизга кабулхона навбатчиси келиб, беш минути кам ўн бирда келишган Сурия делегацияси аъзолари ўринларидан туриб чиқиб кетишганини хаяжонланиб гапирди. Биз Леонид Ильични кидириб кетдик. Маълум бўлишича, у хожатхонадан кейин дам олиш хонасига кириб, хотиржам чекиб ўтирган экан. Унга бўлган воқеани айтишганида Леонид Ильич сурияликлар нега кетиб колишди, буни кандок тушунса бўлади, деб сўради. Балки уларни хафа килишгандир? Н. В. Подгорний: «Биз улар билан учрашувга белгиланган вақтда келмадик. Афтидан, кутишмасдан кетиб колишган», деб жавоб килди.

Ўша захотиёк В. В. Кузнецов билан менга уларнинг олдига киришни буюришди. Улар Х. Асаднинг Кремлдаги резиденциясида экан...

Бунга Асад шундай жавоб килди:

— Илтимос, самолёт беришсин. Биз хозир ҳаммамиз Москвадан учиб кетамиз.

Кузнецовнинг, хўш, ўзи нима гап, деган саволига у шундам деди: Совет раҳбарларига етказинг, улар мени Асад исмли киши сифатида кабуя килмасликлари, гаплашмасликлари мумкин. Хозир мен бу ерга Сурия халки ва давлатининг вакили, президент сифатида келганман. Мен билан бирга партия, давлат ва харбий раҳбарликнинг бутун состави келишган. Ахир, муносабат ҳам шундай бўладими, кабулхонада шунча куттириб кўйишса-я? (10 минутдан ортик).

Мен ҳам бир нима дедим, лекин гапларим президент карорига таъсир этмади. Василий Васильевич менга телефон килишни буюрди-да, ўзи жойида колди. Мен кўшни хонага чиқиб телефон килдим. Трубкани Леонид Ильич олди. Воқеани кискача тушунтирдим. У: «Нима килиш керак?» деб сўради, мен: «Косигин кирса яхши бўларди», деб жавоб килдим. У: «Хозир олдингизга киради» деди. Сал ўтмай, Алексей Николаевич кириб келди. У гўё ҳеч гап бўлмагандай мийигида кулумсираб, Асад билан, кейин делегация аъзоларининг хар бири билан гаплашди, дипломатия тарихидан кизик фактларни гапириб берди. Кейин ахволимизни бироз тушунтирган бўлиб, деди: «Мен Сизларни олиб кетгани келдим. Ўртоқларимизнинг ҳаммаси кутишяпти. Кани, юринглар». Асад бошқаларга мурожаат килиб: «Хўш, борамизми?» деб сўради. Рози бўлишди. Хамма кетди. Мен орқада колиб, дарров Леонид Ильичга телефон килдим. Сиёсий бюро кабинетининг икки томонидаги эшиклар очилиб, икки делегация ҳам Брежнев ва Асад бошчилигида бир хил масофада учрашишди, кучоклашиб кўришишди, ўпишишди, кейин стол атрофига ўтиришди. Бояги кўнгилсизлик хакида гапирилмади. Лекин битта арзимас

хато хар кандай ишни барбод килиши мумкинлиги хакида аччик таассурот колди. Музокаралар бошланди, уларнинг якуни бўйича ҳукуматлар ва партиялар ўртасида режалар ҳамда битимлар имзоланди.

Стол атрофида Андрей Андреевич ҳам ўтирарди. Леонид Ильичнинг бу килигини дипломатик талантнинг ифодаси деб ҳисобламаётгани унинг маънос чехрасидан шундай сезилиб турарди.

АКШ президенти Никсон 1973 йил октябрь уруши оқибатлари тинч йўл билан бартараф этилганидан кейин Якин Шарк мамлакатларини айланиб чиқди. Катор Араб мамлакатларида, Исроилда бўлди, сўнг Дамашкка келди. Уни ҳамма жойда дабдаба билан қарши олишди. Никсон алоҳида бир ҳурмат юзасидан президент Асаднинг оиласини бориб кўрди, унинг хотини, болалари билан суратга тушди. Бу сурат ҳамма газеталарда босилди.

Хабар килишларича, икки президентнинг муваффақиятли музокаралари натижалари АКШ билан Суриянинг ўзаро муносабатларида янги босқични очди.

Дамашкдаги Совет элчихонаси шошилишч телеграмма олди, унда президент ҳузурида бўлиб, унга ПАСВ Бош қотиби, САР президенти ўртоқ Хафиз Асаднинг таклифига мувофиқ КПСС МК Бош қотиби, СССР Олий Кенгаши Президиумининг раиси Л. И. Брежнев якин кунларда расмий визит билан Сурияга бориш истагини билдирганини маълум қилиш топширилган эди.

Биз президент билан учрашиб, бу хабарни унга етказдик. У бу хабарни мамнунлик билан қабул қилиб, ўзим ҳам, бутун Сурия халқи ҳам азиз меҳмон Леонид Ильич Брежневни истаган вақтда кутиб олишга тайёرمиз, деди.

Визит қуни ва дастури тўғрисида келишиб олингандан кейин Дамашкда, бутун мамлакатда катта тайёргарлик ишлари олиб борилди. Ҳукуматда, Миллий фронтда, шаҳарда, вилоятларда, турли вазирликлар, идоралар, қорхоналар, муассасаларда, Сурия— Совет ҳамкорлик объектларида махсус комиссиялар тузилди. Почта ва телеграф вазирлиги махсус марка чиқаришга қарор қилди. Театр жамоаси концерт дастурини тайёрлаб, умга рус рақс ва кўшиқларини киритди. Шоирлар шеърлар ёзишди. Дамашк дорилфунуни ҳурматли меҳмонга фахрли унвон беришга қарор қилди. Трикотаж ва тўқимачилик қорхоналари ўз махсулотларини рус нақшлари ва меҳмон портрети билан чиқара бошладилар. СССР давлати йўлбошчисининг келиши ҳамма ерда асосий мавзу бўлиниб қопганди.

Тегишли вазирликлар, идоралар масъул ходимлари гуруҳи Москвадан Дамашкка келадиган делегацияга ҳамроҳ бўладиган ва унга хизмат қиладиган кишилар рўйхати билан келишди. Биз ташқи ишлар вазири Хаддам (қозир у Суриянинг вице-президенти) ҳузурида бўлдик. У рўйхат билан танишиб чиққач, бироз ўйланиб турди-да, деди: «Уларнинг бир қисмини қўшни шаҳарларда жойлаштираш бўладими?» Уларнинг ҳаммаси бирга, ёнма-ён бўлишлари керак, деганимиздан кейин у: «Агар Дамашкдаги ҳамма меҳмонхоналарни бўшатиб, Совет делегацияси ихтиёрига берсак ҳам, барибир ҳаммани жойлаштиришнинг иложи йўқ» деди. У, қўлимиздан келган ҳамма ишни қиламиз, деди, биз ҳам совет муассасалари ходимларини зичроқ жойлаштириб, бир неча бинони бўшатиш имконини қидириб кўраемиз, дедик.

Нихоят, ҳамма нарсани келишиб олдик. Мамлакат азиз меҳмонни белгиланган кунда кутиб олишга тайёр. Бирдан шошилишч телеграмма олдик, унда: «Президент Х. Асад ҳузурига бориб, қутилмаган ходисалар туфайли Л. И. Брежнев, афсуски, белгиланган кунда Дамашкка боролмаслигини маълум қилинг», дейилганди.

Кичкина, лекин кўхна, магрур мамлакат рахбарлари ва халкининг, бу ерда яшаётган бир неча минг совет кишиларининг бу нохуш хабарга муносабати тўғрисида гапириб ўтирмайман...

Мана, кирк йилдирки, танасидан кон оқаётган Якин Шаркдаги хозирги танглик муҳимлиги, мураккаблиги, долзарблиги, турли даражада бўлган тахминан ўн муаммони ўз ичига олади.

Хозир уларни икки томонга ҳам маъқул бўладиган асосда хал этиш учун шароитлар бирмунча қулай бўлиб қолди. Бунинг учун халқаро, юридик, тарихий ва сиёсий асослар мавжуд. Энг муҳими ният, реализм, хозирги вазиятнигина эмас, бу давлатлар халқларининг туб манфаатлари, тақдири, дунёда тинчлик ўрнатиш манфаатларини ҳушёрлик билан ҳисобга олишдир.

Бу муаммоларни хал этишнинг қандай йўллари ва воситалари бор? Улар тўғрисида ҳар қуни турли тилларда ёзишади, гапиришади.

БМТ Бош Ассамблеясининг 1947 йил 29 ноябрдаги 181 рақамли резолюцияси бошланғич мустақам асос бўлиб, у билан ҳисоблашмасликка, айниқса уни инкор этишга ҳеч қимнинг ҳаққи йўқ. Мазкур резолюция ваколат асосида идора қилинадиган Фаластин ўрнида икки давлат — араб ва яҳудий давлатини барпо этишни кўзда тутганди. Яҳудийлар давлати Исроил 1948 йилнинг 14 майида тантанали равишда эълон қилинди. Бен Гурион буни эълон қилиб, унинг байрогини кўтарди ва биринчи бош вазир бўлди. Лекин Фаластинда мустақил араб давлатини ташкил этиш барбод қилинди. Шундан бери Фаластин араблари, Йордан дарёсининг гарбий соҳилидаги ва Газо секторидаги араблар ҳам, қочқоқлар ҳам ўзи тугилиб ўсган ерларида яшаш ва ўз халқ давлатини барпо этиш орзусидан, умидидан воз кечганлари йўқ, умуммиллий ҳаракатларини давом эттирмоқдалар.

Фаластинликларнинг миллий-озодлик ҳаракати янги босқичга қадам қўйди. Агар улар кирк йил давомида ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун бошбошдоқлик билан, жойларда қўпинча уюшмаган ҳолда қурашган бўлсалар, 1987 йилнинг 8 декабридан бошлаб интифа-да — умумхалқ кўзғолони бир қун ҳам бўшашмаяпти, уч йилдирки, босиб олинган ҳудуднинг ҳаммасида тарихда сира қўрилмаган қўламларда давом этаяпти.

Мақсад аниқ, қонуний — ҳар бир араб ва бутун араб миллатининг тортиб олинган ҳақ-ҳуқуқларини тиклашдир.

Бир йил аввал — Фаластинда мустақил араб давлати ташкил этилганлиги эълон қилинди. ФОКТ — Фаластинни озод қилиш ташкилоти — Фаластин халкининг бирдан-бир тўла ҳуқуқли вакили Исроилнинг мавжудлигини эътироф этди ва Исроил ҳукумати билан алоқа ўрнатишга тайёр эканлигини билдирди.

Шундай қилиб, Фаластин арабларининг умумхалқ чиқишлари, мустақил давлат тузганликлари ва миллий ҳаракат йўлбошчиларининг Исроил вакиллари билан учрашишга ва музоқаралар олиб боришга тайёр эканлиги, буларнинг ҳаммаси Фаластин инқилоби йўлбошчилари позициясининг, тафаккурининг кескин ўзгарганлигини, инқилобда янги босқич бошланганини кўрсатади.

Исроил тўғрисида. Бу кичкина мамлакат ўтган давр ичида ўзининг умри боқийлигини кўрсатди, ниҳоятда оғир ички ва ташқи шароитларда замонавий қуроқлар, шу жумладан, самолётлар, танқлар, ядро бомбаси, ракеталар билан қуроқланган ўз армиясини тузди: фан-техника тараккиётининг олдинги сафида бораётган давлатлар қаторига қўшилди. АКШ ва бошқа капиталистик давлатлар, жаҳон сионизми ва дунёнинг турли бурчақларида яшаётган 12 миллион яҳудий Исроилга хайрихоҳ бўлиб, уни ҳар томонлама

кўллаб-кувватламокда.

Шу билан бирга, кирк йил мобайнида канчадан-канча ҳукумат сиёсий йўлбошчилари, исроилликларнинг канча авлоди келиб кетди. Лекин халк тақдирини белгиловчи асосий муаммолардан биронтаси хал килингани йўк. Мамлакат аслида камал ҳолатида, кулогигача қарзга ботиб ётибди, халкнинг турмуш даражаси яхшиланмаяпти, келажакка ишонч йўк, тирикчилик тўғрисидаги ташвишли ўйлар одамларни тарк этмаяпти.

Иккинчи томондан, салкам 4 миллионли Фаластин араблари ҳаракатга келди: маънавий, психологик ва жисмоний жихатдан анча ўзгарган араблар бир ёкадан бош чиқаришиб, ҳозирнинг ўзида, шу авлод кўзи олдида қурашни охирига етказишга, она Ватанларида ўз миллий давлатларини барпо этишга азму қарор қилдилар. Фақат кон тўкилишига ва одамларнинг қурбон бўлишига йўл қўймаслик, барча низоларни тинч йўл билан, сиёсий воситалар билан хал этиш мақсадида Исроилга ҳамкорлик қўлини узатмокда, икки Фаластин давлати — араб ва яҳудий давлатларининг ёнма-ён, тинч-тотув яшашлари учун икки томонга ҳам маъқул бўладиган бир ечимга келиш учун интиломда.

Мана шундай эзгу ишдан юз ўгириш, ўз халки, тарих ва инсоният олдида жуда катта масъулиятни зиммага олиш, ўз мамлақати Исроилни янги-янги қийинчиликлар, мураккабликларга, қурбон беришга маҳкум этиш демақдир.

Араб ва яҳудийларнинг соф ниятли асл дўстлари, афтидан, уларнинг эртами-кечми тенгликка эришишларига, тил топишишларига умид қилишади. Бу борада Совет Иттифоқи уларни ҳамиша қўллаб келган ва бундан кейин ҳам қўллаб-кувватлайверади, ёрдамни аямайди.

Якин Шарк — ҳар жихатдан олиб қаралганда жуда муҳим регион, дунёдаги сиёсий иқлим бу ердаги аҳволга қўп жихатдан боғлиқ. Бу ерда дунёвий дин — иудаизм (5700 йил), христиан (1991 йил) ва ислом (1413 йил) дини пайдо бўлди. Бу минтақада яшовчи аҳолининг асосий қисми мусулмонлар бўлиб, уларнинг ерида Мухаммад пайгамбар нозил этилган муқаддас китоб — Қуръонни тарғиб этган, ўлими олдида эса васияти — Ҳадисни баён қилган. Шароит қонун-қоидалари яратилган. Улар барча мусулмонлар турмуш тарзи, тафаккури, фаолиятининг асосини ташкил этади. Жаҳоннинг 120 мамлақатида яшайдиган ислом тарафдорларидан бир миллиарддан ортиги шариатга амал қилишади.

Якин Шарк — инсоният цивилизациясининг бешиги.

Жаҳондаги ноёб ва рангли металллар, руда, энергия манбалари запасининг анча қисми маъқур минтақада жойлашган. Салкам 200 миллион кишини ташкил этувчи араблар Фиротдан Атлантик океанигача, Ўрта ер денгизидан Экваториал Африкагача чўзилган ҳудудда зич яшашади. Якин Шаркнинг жаҳондаги ўрни ва аҳамияти мана шу ва бошқа омиллар билан белгиланади.

Менимча, Оврупа ва Осиё учун қилинганидай, янги тафаккур ва реал таҳлил асосида Советларнинг Якин Шарк бўйича платформаси (концепцияси) ишлаб чиқилса ва эълон қилинса жуда фойдали иш бўларди.

Бу хусусдаги гапимни тугатар эканман, шуни таъкидлаб ўтмоқчиман: СССРнинг Якин Шарк бўйича қайта ишлаб чиқилган, янгиланган сиёсати тургунлик даврида бу минтақада чала қолган, ҳали қилинмаган ишларимизни ниҳоясига етказишга, унинг халқлари билан муносабатларни анча кенгайтиришга ёрдам беради.

Айрим мутахассислар юқорида айтган фикрларимни бу бир хом хаёл, юзаки ёндоқиш дейишлари мумкин. Лекин бу ҳақда анча батафсил, қатъий гапиришимнинг боиси шуки, Сурияда тўққиз йилдан ортиқ яшаганман, 14 араб мамлақатларига бордим. Қуддус,

Синай ва Жулан тепаликларида бўлганман, унгача эса Москвада ишлаб, чет эл Шарки, жумладан, Якин Шарк муаммолари билан шугулланганман. Шунинг учун ҳам бу минтака халкларига алохида бир хурмат, самимият билан қарайман, инсоният учун кўп эзгу ишлар қилган, бой тарихга эга бўлган, бугуни машаққатли ўтаётган араб ва яхудийларнинг ҳаётлари яхши бўлишига, порлок истикболига астойдил ишонаман.

Миллий сиёсатга келсак, (шунингдек, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг бошка муҳим масалалари сингари) Леонид Ильич Брежнев бу масала билан шугулланмасди, чунки ўз ўтмишдошлари И. В. Сталин ва Н. С. Хрущевнинг СССРда «Миллий масала тўла-тўқис ва узил-кесил ҳал қилинган», деган сўзларига ишонарди. Мана шу жуда муҳим, мураккаб соҳани М. А. Сусловга топширди, у эса, модомики миллат — синфий, тарихий категория экан, демак, у ўткинчи нарса деб ҳисоблар, унинг фикрича, бизда миллатларнинг яқинлашуви уларнинг қўшилиб кетишига олиб бориши керак эди. У «миллий-озодлик ҳаракати» деган тушунчани тан олмас, уни асоссиз деб ҳисобларди.

Партия дастури ва КПСС XXII съезди бошка ҳужжатларининг лойиҳасини тайёрлаш давомида МК Президиумида миллий сиёсатга дахлдор тўртта асосий муаммо: миллий масаланинг мамлакатда қай даражада ҳал қилинганлиги, миллатларнинг яқинлашуви ва қўшилиши, миллий маданиятларнинг шакл ва мазмуни, чет эл Шаркидаги миллий-озодлик ҳаракатининг назарий жиҳатлари устида жиддий тортишувлар бўлди.

Муҳокама давомида дастлабки катъий таърифларга айрим тузатишлар киритишга муваффақ бўлдик, лекин М. А. Суслов ҳужжатларда бир қатор догматик қоидаларни сақлаб қолди.

Бизнинг итоатгўй, гоят даражада гоёвийлаштирилган жамиятимизда одат бўлганидек, КПСС XXII съездидан кейин юкорида айтиб ўтилган, қабул қилинган концепцияларни маддохларча макташ бошланди.

Мана, бир неча мисол. «Мамлакатимизда миллатларнинг қўшилиши ҳозирдаёқ юз берапти» («Грозненский рабочий» газетаси, 1961 йил, 7 сентябрь), «...ягона социалистик миллат қарор топапти» («Коммунист» журнали, 1960 йил, 6-сон), «миллатларнинг давлат йўли билан ҳуқуқий асосда қўшилиши — бу яқин келажакнинг иши». («Советское государство и право», 1961 йил, 12-сон), «Социалистик миллатларнинг яқинлашиши... ягона тилга эга ягона миллатни барпо этишга ёрдам беради», «Совет халқи — совет миллати» ва ҳокозо.

Бу хилдаги қингайиш жойларда айрим олимлар, ёзувчилар, зиёлилар бошка отрядларининг ўз миллати, она тилини «химоя» қилишга интилишларига сабаб бўлдики, бу миллий ўз-ўзини англашнинг қучайишига олиб келди. Чет элдаги душманларимиз шов-шув қўтариб, гўё «СССР да миллийлик йўқолаётганмиш», «бемиллий байналмилалчилик» жорий этилаётган эмиш, деб исбот қилмоқчи бўлдилар.

Шу тариқа ўша йилларда миллий масалада икки зарарли оғиш юз берди: нигилизм ва идеаллаштириш. КПСС бундан ташвишланиб бир неча кенгаш ўтказди (икки марта мени ҳам таклиф этишди). Икки йўналишнинг айрим вакиллари В. И. Лениннинг миллий масаладаги икки тенденция тўғрисидаги кўрсатмаларини бузиб талқин қилганликлари учун ҳам «Правда» йўл-йўриқ берадиган бир неча мақола эълон қилди. Мазкур мақолаларда съезд қарашларининг бир томонламалиги ифодаланди.

Бу барча ҳатоликлар ва шов-шувлар шунга олиб келдики, КПСС XX съездидан кейин миллий масалани амалга ошириш бўйича ижобий қадамлар аслида йўққа чиқарилди ёки ўзгартириб юборилди.

Бир неча мисоллар келтираман. 1956 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида КПСС МҚида

миллий курилишнинг айрим долзарб масалалари муҳокама килинди, унда мен ҳам сўз олиб, Ўзбекистон Компартияси МКи ва жумҳурият ҳукуматининг таклифларини баён қилдим.

Шу муҳокамалар якуни бўйича 1957 йилнинг 9 январида ССР Иттифоқи Олий Кенгаши Президиумининг «Кабарда Автоном жумҳуриятини Кабарда-Балқар АССР қилиб ташкил этиш тўғрисида»ги, «Черқасия Автоном вилоятини Корачой-Черқасия Автоном вилояти қилиб ташкил этиш тўғрисида»ги, «РСФСР таркибида Калмик Автоном вилояти ташкил этиш тўғрисида»ги, «РСФСР таркибида Чечен-Ингушети Автоном жумҳуриятини қайта тиклаш тўғрисида»ги қарорлари қабул қилиниб, эълон қилинди.

Тошкентга қайтиб келганимиздан кейин бу миллат ва элатлар вакилларини таклиф қилиб, уларга қарорларни ва уларни амалга ошириш юзасидан Иттифок ҳамда жумҳурият ташкилотлари белгиладиган тадбирларни ўқиб бердим. Улар партиядан ва ҳукуматимизга миннатдорчилик билдиришиб, ўз юртларига хурсанд бўлиб қайтиб кетишди. Лекин ўша миллат ва элатларга моддий, молиявий, ташкилий ҳамда бошқа шаклларда ёрдам кўрсатиш юзасидан белгиланган йирик тадбирларнинг кўпчилиги бажарилмади.

Ўшанда зўравонлик ва қонунсизлик жабрини кўрган қримтатарларининг тақдири ҳар томонлама ўрганилди. Уларни сиёсий жихатдан оқлаш ва фуқаролиги масаласи қисман ҳал қилинди. Уларни тугилиб ўсган жойларига қайтариш ва давлатини — Қрим Автоном жумҳуриятини тиклаш масалалари кўрилганида Президиум аъзоларининг бир нечаси эътироз билдирди. Шу муносабат билан КПСС МКи Президиуми аъзоси ва қотиби А. Б. Аристовга РСФСР ҳамда Украина ССРнинг ўша пайтдаги раҳбарлари билан бу масалани яна бир бор ҳар томонлама чуқур ўрганиб, ўзаро келишиб, таклифлар киритишни топширишди. Бу топширик ҳам, Тоғли Қорабоғ ва месхети турклари муаммолари юзасидан бошланган ишда охирига етказилмай, чала қолиб қетди.

Мана энди қайта қуриш, ошқоралик, демократия, эски жароҳатларни, маънавий-сиёсий муаммоларни очиб ташлади, жамиятимиз безовта бўлапти. Бу 60-йилларда адолатни тиклаш бўйича бошланган ишларни охирига етказмаган раҳбарларнинг масъулиятсизлиги, енгилтаклиги оқибатидир. Буларнинг ҳаммасини энди совет кишиларининг ҳозирги авлоди, партиядан ва давлат раҳбарлари ҳал қилишлари керак бўлади.

Леонид Ильич миллий сиёсат билан унчалик қизиқмас ҳам жойларда бўлар, одамлар билан учрашарди. У Украина, Молдавия, Қозоғистон жумҳуриятларига, яъни ўзи ишлаган, ўтмиш хотиралари билан боғлиқ жойларга яхши муносабатда эди. Шу билан бирга, жумҳуриятимизда, айниқса Ўрта Осиёда, уни шунинг учун ҳам ҳурмат қилишардики, у ўз брошюраларида ва нутқларида маҳаллий аҳоли ҳақида илиқ сўзларни айтган эди. Уруш йиллари мамлакатнинг Оврупа қисмидан кўчириб келтирилганларни қучоқ очиб қарши олганликлари учун бутун Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларига бир неча марта миннатдорчилик билдирди. Олмаотага кўчиб келган оилам қозоқларнинг самимий муносабати ва меҳрибончилигини ҳамиша ҳис этиб турди, деди.

1966 йилнинг 26 апрелида Тошкентда қучли ер қимирлади, кўп иморатлар бузилди, қурбонлар бўлди. Эртаси эрталаб Тошкентга Л. И. Брежнев билан А. Н. Косигин ўқиб келишди. Улар аэропортдан тўппа-тўғри зилзила марказига боришди. Жабр кўрганлар билан суҳбатлашди, вайрон бўлган биноларни кўздан кечиришди. Сўнгра Ўзбекистон Компартияси МКи да бўлишди, партиядан фаоллари мажлисидан кейин Тошкентга ёрдам

кўрсатиш бўйича махсус иттифок штаби ташкил этишди, уни А. Н. Косигин бошқарди. Леонид Ильич телефонда бошқа жумхуриятлар, ўлкалар ва вилоятларнинг биринчи котиблари билан гаплашди. Натижада Тошкентга БУТУН МАМЛАКАТ ёрдам берди, қиска муддатда аҳоли уй-жой ва барча зарур нарсалар билан таъминланди. Тошкент фахрли «Дўстлик шахри» номини олди. Ўша кунларда Л. И. Брежнев ва А. Н. Косигин Мирзачўлга бориб, қилинаётган ишлар, эришилган ютуқлар билан танишишди. Бироз вақтдан кейин КПСС МКи Пленуми чақирилиб, унда мамлакатда сугориш ишларини ривожлантириш муаммолари муҳокама қилинди.

Бу тадбирлар одамларда яхши таассурот қолдириб, маҳаллий аҳолининг раҳбариятга ҳурматини оширди. Лекин Л. И. Брежневнинг иш услуби, одатлари Никита Сергеевичдан тамоман фарқ қиларди. Хрущев колхозчилар, совхоз ишчилари билан бевосита далада учрашарди, завод, фабрикаларда бўларди, шахталарга тушарди, яйловларга чиқарди. Леонид Ильич эса кўпроқ раҳбарлар билан, нари борса фаоллар билан учрашишни афзал кўрарди, хаётий муаммоларни чуқур ўрганмасди, дабдабабозлик, танта-тани яхши кўрарди. У, асосан, жойлардаги раҳбарларнинг маълумотига қараб фикр юритарди, уларнинг ўз шанига айтадиган мактов сўзларини доимо зимдан сезгирлик билан кузатиб борарди.

Туркий халқларнинг вакиллари орасида Леонид Ильичнинг уч яқин дўсти — Кунаев, Алиев, Рашидов бор эди.

Динмухаммад Ахмедович Кунаевни тажрибали, меҳнатқаш раҳбар ходим сифати-да 50-йиллардан бери биламан. Ўнинг қариндош-уруғлари Леонид Ильич оила аъзолари Олмаотада яшаганларида улар тўғрисида кўп гап-сўз қилишган. Л. И. Брежнев Козогистон Компартияси МҚининг раҳбари бўлиб турганида Кунаевни Вазирлар Кенгашига раис қилиб тайинлашди. Иккови қилишиб, инок ишлашди.

Леонид Ильич КПСС МҚига ўтгандан кейин, ўрнига Козогистон МҚининг биринчи котиблигига Кунаевни таклиф қилди. У кўп ўтмай КПСС МҚи Бюро аъзолигига номзод, сўнгра аъзо қилиб сайланди. Шундан кейин биринчи, иккинчи, учинчи Олтин Юлдуз билан ҳам тақдирланди, жумхурият Компартиялари МҚи, ўлка кўмиталари, вилоят партия кўмиталари котиблари орасида уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлган битта шу киши эди.

Гейдар Алиевич Алиев Озарбойжон Коммунистик партияси МҚи биринчи котиби бўлиб ишлаётганда КПСС МҚи делегациясига бош бўлиб Сурияга келди. Уни биринчи марта ўша ерда кўрдим. У мамлакат, ПАСВ, Компартия раҳбарлари ва бошқа сиёсий арбоблар билан суҳбатда ўзини кўрсатди. Орадан кўп ўтмай, у аввал КПСС МҚи Сиёсий бюроси аъзолигига номзод, кейин Сиёсий бюро аъзоси, СССР Вазирлар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари бўлди.

Брежневнинг Шароф Рашидович Рашидов хақидаги фикри аввал яхши эмасди. 1964 йилнинг декабрида Тошкент вилоят партия конференциясида вилоят партия кўмитаси ташкилий бўлими мудирининг ўринбосари ўрток В. Усмонов ленинча нормаларга риоя қилмагани, хато иш услуби, кадрлар сиёсатини бузганлиги, хизмат мавқеини суиистеъ-мол қилганлиги учун Рашидовни каттик танқид қилди. В. Усмонов ўз нутқининг охирида шундай деди: «Юқорида баён қилинганлардан қелиб чиқиб, мен шундай фикрга келдим — унга, Рашидовга, Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг биринчи котиби лавозимини бундан буён ишониб бўлмайдим». Рашидов шаънига айтилган жиддий танқидни, табиийки, КПСС Марказий Кўмитасига маълум қилдилар.

Леонид Ильич Ўзбекистон партия ташкилоти рахбариятини мустахкамлаш масалаларига ижобий қаради ва янги номзод ҳам оғизга олинган эди. Лекин шунда жумхурият Компартияси МКи Бюросининг айрим аъзолари Подгорнийни ўртага қўйиб, Рашидовни ўз лавозимида олиб қолишга муваффақ бўлдилар.

Лекин бирмунча вақт ўтгач, Л. И. Брежневнинг Ш. Рашидовга муносабати тубдан ўзгариб, улар яқин дўст бўлиб қолишди. Шароф Рашидов бунга қандай муваффақ бўлди?

Шоҳидларнинг айтишича, Кремлдаги катта қабул маросимларининг бирида у, «Владимир Ильичнинг ўлмас таълимоти ва ишини содиқ ленинчи—Леонид Ильич катъий амалга оширмакда ва ижодий ривожлантирмакда. Азиз ва кадрдонимиз Леонид Ильич учун қадаҳ қўтарамиз!» деган.

Владимир Ильич ва Леонид Ильич фамилияларининг ҳамоханлиги, унинг шаънига янграган гулдурас қарсақлар, афтидан, Брежневга хуш ёққан бўлса керак.

1982 йил 22 мартда Л. И. Брежнев Тошкентга келди. Трактор ва самолётсозлик заводларида, Ленин номидаги жамоа хўжалигида бўлди. 24 мартда Халқлар Дўстлиги Саройидаги тантанали йиғилишда жумхурият меҳнатларини амалга оширишда эришган катта ютуқлари, давлатга 1981 йилда 6 миллион 150 минг тонна пахта ҳосили сотганлиги учун Ўзбекистонга Ленин ордени топширилди. Эртаси куни, 25 март эрталаб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасида барча фаоллар ва Козогистон Компартияси Марказий Кўмитасининг биринчи котиби Д. А. Кунаев, Қирғизистон Компартияси Марказий Кўмитасининг биринчи котиби Т. У. Усубалиев, Тожикистон Компартияси Марказий Кўмитасининг биринчи котиби Д. Р. Расулев, Туркменистон Компартияси Марказий Кўмитасининг биринчи котиби М. Г. Гафуров иштирокида Ш. Рашидовга Октябрь Инқилоби орденини топшираётиб, Л. И. Брежнев шундай деди: «Менда муҳим ва ёқимли вазифа бор — дўстимиз ва ўртоғимиз Шароф Рашидович Рашидовга Октябрь Инқилоби орденини топширишим керак.

У жумхурият коммунистлари ва барча меҳнатқашларини давлатга пахта, дон ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари сотиш юзасидан 1981 йилги режалар ҳамда социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга сафарбар этиш соҳасидаги катта ташкилотчилик ва сиёсий иши учун мукофотланди.

Ўзбекистон Компартияси қаби катта партия ташкилотига раҳбарлик қилиш оддий иш эмас. Бунинг учун талайгина ҳаёт тажрибаси ва партия ишига астойдил содиқлик керак. Бунинг учун ташкилотчилик истеъдоди, эришилган натижаларга танқидий баҳо бериш маҳорати, янгиликни доимо ҳис этиш, ўртага қўйилган мақсадга эришиш йўлида ирода ва матонат зарур.

Ана шу фазилатлар Рашидовга... жумхуриятдаги ишларни муваффақиятли олиб боришларини таъминлашга ёрдам бермокда.

Ҳозир жумхуриятингизда кизгин иш, ҳатто айтиш мумкинки, озик-овқат дастурини бажариш учун, чорвачиликни жадал ривожлантириш учун кизгин кураш авж олдириб юборилди. Жумхурият Компартияси, Марказий Кўмита бюроси ва албатта, даставвал Марказий Кўмитанинг биринчи котиби, КПСС Марказий Кўмитаси Сиёсий бюроси аъзолигига номзод ўрток Рашидов, ҳамиша бўлганидек, ана шу ишнинг жон-дили бўлмокдалар».

Ш. Рашидов ўзининг жавоб нутқида шундай деди: «Ватаннинг фахрли мукофотини қабул қилиб олар эканман, қалбим зўр қувонч туйғулари ва завқ-шавққа тўлиб-тошмок-да. Ва шунинг учун ҳам тўлиб-тошмокдаманки, мен ўзим Улуг Октябрь тенгдошиман ва Октябрь

Инкилоби орденини совет коммунистининг энг яхши фазилатларини ўзида мужассамлаштирган, Октябрь Инкилоби ишининг содик давомчиси, ленинчи партиямиз ва давлатимизнинг атокли рахбари, давримизнинг буюк арбоби кўлидан, азиз Леонид Ильич, Сизнинг кўлингиздан қабул қилиб олмоқдаман!

Ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш тўғрисида доимо гамхўрлик қилаётганликлари, пахтачиликни, дон хўжалигини, дехкончилик ва чорвачиликнинг бошқа тармоқларини юксалтиришда ҳар томонлама ёрдам бераётганликлари учун, пахтакорларнинг кийин меҳнатига оталарча эътибор бераётганликлари учун Ўзбекистон дехконлари, жумҳуриятнинг барча меҳнаткашлари ленинчи Марказий Кўмитадан, унинг Сиёсий бюросидан, Совет ҳукуматидан ва азиз Леонид Ильич, шахсан Сиздан астойдил миннатдордирлар».

Кечкурун катта тантанали қабул бўлди. Дастурхон хилма-хил ноз-неъматлар ва спиртли ичимликларга тўлиб-тошиб кетган эди. Қадах кўтаришлар, табриклар, олқишлар бошланиб кетди. Хамма орден ва медалларини тақиб олган эди. Шунда Леонид Ильич Ш. Рашидовнинг ёнига келиб, кўшни жумҳуриятларнинг раҳбарлари ва Ўзбекистон фаоллари иштирокида шундай деди: «Кадрли Шарафжон! Кўшнинг Димаш Кунаевда учта, сенда иккита Кахрамонлик олтин медали бор. Чамалаб кўрсам, кўкрагинг анча кенг, унда учинчи Олтин юлдуз учун ҳам жой бор экан.

Кунаевнинг Марказий Кўмита Сиёсий бюроси аъзоси бўлганига ҳам анча вақт бўлди, сен эса XXII съезддан бери номзодлигингча турибсан. Сен, шубҳасиз, Сиёсий бюро аъзоси бўлишга муносибсан.

Ваъда қилганингдек, бу йил 6 миллион 300 минг тонна пахтани берсанг, биз сени учинчи Олтин Юлдуз медали билан мукофотлаш ва Сиёсий бюро аъзоси этиб сайлаш масаласини ўйлаб кўрамиз ва ҳал этамиз».

Атрофда турганлар бу фикрни маъқул-маъқул қилишди. Рашидов бошини камтарона эгиб, жим бўлиб қолди.

Шундай қилиб, эзгу мақсад белгиланди. Унга қандай эришиш мумкинлиги ҳам айтилди. Қандай бўлмасин, пахтани 6 миллион 300 минг тоннага етказиш керак. Бу орзуга эришиш учун барча воситалар «яхши». Азоби, ташвишлари эса ўз ишини ҳалол бажариб келган дехкон елкасига тушди.

Шу учрашувдан сўнг Л. И. Брежнев етти ой, Ш. Рашидов эса бир ярим йилга яқин яшади. Пировардида Леонид Ильич билан шахсий муносабатларимиз хусусида бир-икки оғиз гапириб ўтмоқчиман. Мен уни биринчи марта КПСС XIX съездида (1952 йил, октябрь) кўрдим, ўшанда бошқалар катори биз икковимиз ҳам партия МК аъзолигига сайландик. Ўша кунларнинг бирида С. Д. Игнатъев хонасига бир иш билан киргандим, Л. И. Брежнев ҳам ўша ерда экан. Семён Денисович 40-йилларнинг охирларида ВКП(б) МКининг Ўзбекистон бўйича вакили бўлганида жумҳуриятимиз учун кўп яхши ишлар қилиб, бу ердагиларнинг ҳурматини қозонган эди. Кейин у ВКП(б) МКининг ташкилий-партиявий бўлимига мудир қилиб тайинланди, сўнгра КПСС МКи қотиби, СССР Давлат Хавфсизлиги вазири бўлиб ишлади. С. Д. Игнатъев бизларни бир-биримизга таништириб, сўнг дала богига олиб кетди, у ерда учқовимиз анча суҳбатлашдик.

Мезбоннинг ўзи палов дамлади —буни мен ҳеч қутмагандим. Леонид Ильичнинг кўнглини олиш учун столга бир шиша Молдавия коньягини қўйди.

Леонид Ильич Қозоғистонда ишлаганида Олмаотада ёки Тошқентда бўладиган ҳар хил кенгаш, мажлисларда тез-тез учрашиб турардик. КПСС МКи декабрь (1957 й)

Пленумида мени партия МК қотиби, КПСС МКи Президиуми аъзоси этиб сайлашди,

хоналари-миз ёнма-ён эди. гарчи вазифаларнинг таксимланишига кўра икковимиз бошка-бошка

масалалар билан шугулланиб, кам учрашсак-да, лекин барибир, баъзи-баъзида бир топширикни бажарардик, бунинг учун тегишли одамларни унинг ёки менинг хо-намда тўплардик: табиийки, секретариат, Сиёсий бюро мажлисларида, МК ўтказадиган тадбирларда иштирок этардик.

Партия Уставида МК иккинчи котибининг лавозими кўзда тутилмаган. Шу муносабат билан ва МКдаги иккинчи ролга даъвогарлар пайдо бўлишининг олдини олиш учун Н. С. Хрущев Президиумнинг маъқуллаши билан шундай тартиб ўрнатдики, унга мувофик хар бир котиб бир ой давомида (навбати билан) котиблар орасида каттаси хисобланар, секретариатнинг барча ишлари билан шугулланар, унинг мажлисларида раислик киларди. Менга Л. И. Брежневдан кейин навбат келиб, МК секретариатининг "хамма хўжалигини" ундан кабул килиб олишимга тўғри келарди.

У МКнинг биринчи котиби этиб сайланганидан (1964 йил, октябрь) кейин тахминан бир ой ўтгач, Кремлдан Леонид Ильичга телефон килишимни (бу пайтда мен Центрсоюз раиси ўринбосари бўлиб ишлардим) сўрашди. Илик саломлашдик, оиламни сўраб-суриштириб, эрталаб хузуримга кириб, деди. Хонасига кирганимда мен билан эшик олдида кўл бериб кўришди-да, рўпарасига ўтказиб, шундай деди: «Хаммасидан хабарим бор, сенга нисбатан ноинсофлик, адолатсизлик килишди, партиясига иш тутишмади. Партия дастури, XXII съездининг бошка хужжатлари лойихаси юзасидан бўлган тортишувларда сен хаксан. Лекин сен ўз нуктаи назарингни каттик химоя килганинг холда Хрущевнинг нафсониятига хам тегдинг, натижада унинг хушомадгўйлари фитнасининг курбони бўлдинг. Энди ахволни тузатиш керак. Бу гапни МК Президиум аъзоларига маълум киламан, ўша ерда келишиб олиб, кейин сен билан яна учрашамиз». Дархакикат, тез фурсатда Леонид Ильич мени хузурига чакириб, бир лавозимни президиум номидан менга таклиф этди. Лекин айрим сабабларга кўра бу масала амалга ошмади.

1965 йилларнинг ўрталарида бўлса керак, мени КПСС МК котиби И. В. Капитонов ўз хузурига чакириб шундай деди: «КПСС XXIII съездига тайёргарлик ишлари бошланиб кетди. Сени МК аъзолигига кайтадан сайлашни таклиф этмокчимиз. Социалистик мамлакатлардаги элчиларни МК составига киритишга қарор килинди. Шунинг учун хам социалистик мамлакатлардан бирига элчи бўлиб борсанг чакки бўлмасди».

Мен оилавий шароитимни, дипломатия ишидан яхши хабардор эмаслигимни айтиб, боролмайман, дедим. Москва ёки Ўзбекистонда хар қандай вазифада ишлашга розилик бердим. У, фикрингни юкоридагиларга етказаман, деб ваъда берди. Биз у билан бу масалада бошка гаплашмадик.

КПСС XXIII съездида (1966 йил март-апрель) мен делегат эмас, МК аъзоси сифатида катнашдим. 1967 йилнинг охирида МКнинг чет эл кадрлари бўлимининг мудирлари А. С. Панюшкин мени хузурига чакириб, рахбарият номидан Сурияга элчи бўлиб боришимни таклиф этди. Мен рози бўлдим. Кейин А. А. Громико, М. А. Суслов, Б. Н. Пономарев билан учрашдим, кетишим олдида Л. И. Брежнев кабул килди.

1976 йилда отамнинг вафоти муносабати билан уч кунга Тошкентга келиб кетдим. Ш. Р. Рашидов мени кабул килиб, жумхурият МКининг бошка икки котиби иштирокида шундай деди: «Тошкентга кайтиб келинг. Москва ва чет элда шунча йил ишлаганингиз етар. Киладиган ишларимиз кўп. Сизнинг тажрибангиз, билимингиз керак. Биргаликда ишлаймиз». Баъзи бир мулохазаларимни айтдим, лекин Ш. Рашидов хам, бошқалар хам

жумхуриятга кайтинг, деб каттик туриб олишди. Ш. Рашидов, КПСС МКи рахбарлари билан ўзим гаплашаман, деб ваъда берди. Марказга борганимдан кейин Леонид Ильичнинг кабулида бўлдим. Тошкентда бўлиб ўтган гапни унга гапириб бердим. У шундай деди: «Сен керак одамсан, Сурияда фойдали иш қияпсан, Москвада ҳам ишлашинг мумкин. Сени нима ташвишлантиряпти?» Тушунтириб бердим. «Ха, майли, уйга кайтишни жудаям хоҳлар экансан, биз ўйлашиб кўрамиз», — деди сўзининг охирида. Унинг хузуридан чикиб, ёрдамчиси Е. М. Самотейкин (халол, батартиб одам, ҳозир Австралияда элчи) олдига кирдим-да, Сурияда элчи вазифасидан бўшатиб, Ўзбекистонга юборишларини сўраб ўша захоти ариза ёздим. 1977 йилда телеграмма олдим: «Илтимосингиз қондирилди. Сиз бошка ишга ўтишингиз муносабати билан вазифангиздан озод қилиндингиз. Янги совет элчиси Черняков учун агремон сўранг. Москвага келишим билан чет эл кадрлар бўлимининг янги мудирини Н. М. Пегов хузурига таклиф қилишди. Николай Михайлович: «Менга, Сизни СССР Савдо-саноат палатаси президиуми раисининг ўринбосари вазифасига таклиф қилиш масаласида гаплашишни топширишган», деди. Мен Ш. Рашидов ва Л. Брежнев билан гаплашганимдан хабарингиз борми, деб сўрасам, Н. М. Пегов бундан хабарим йўқ, деди. Рози бўлдим. У менинг олдимда кимгадир (менимча, Л. И. Брежнев ёки М. А. Сусловга бўлса керак) телефон қилиб, таклифига рози бўлганимни айтди. Сўнг Палата президиуми раисига кўнгирок қилиб, сизга ўринбосарликка Мухитдиновни тавсия қиламиз, деди. Шу гапдан кейин хайрлашдик. МК биносидан чикиб, Палатага бордим, раис Борис Андриановичнинг олдига кирдим. Унинг олдида биринчи ўринбосари Е. П. Питовранов ўтирган экан, иккисини ҳам кўпдан бери танирдим. Менга хонамни кўрсатишди, ишга тушдим. 1980 йил май ойининг охирида жойдаги ахволни ўрганиш учун мени қиска муддатга Афғонистонга жўнатишди. Кайтиб келганимдан кейин мен билан Б. Н. Пономарев, унинг ёрдамчиси профессор Р. А. Ульяновский суҳбатлашди, улар барча долзарб муаммоларни ижобий кўриб чиқишиб, манфаатдор ташкилотларга тегишли кўрсатмалар беришди. Икки кундан кейин мени Л. И. Брежнев қабул қилди. Унга Афғонистондаги ахвол, жумхурият рахбарлари, совет ходимлари билан суҳбатларим тўғрисида маълумот бердим.

Гапимнинг охирида ҳарбий ишлар тўғрисидаги айрим фикр-мулоҳазаларимни айтиб, кўшинларимизнинг Афғонистонга киритилиши ҳақида ҳар хил миш-мишлар юрибди, улар жанговар ҳаракатларда бевосита қатнашяпти, дедим. Ички қуроли тўқнашувда қатнашишнинг олдини олиш йўллари кидириб топсак яхши бўларди, у граждандар урушига айланиб кетяпти, дедим. У, хўш, нима қилиш керак? — деб сўради. Е кўшинларни олиб чикиб кетиш керак, ёки уларнинг турган жойларини ўзгартириб, қўшни мамлакатлар чегараларида жойлаштириш керак, деб жавоб бердим. Бу кўшинларимизнинг бу мамлакатда бўлиши сабаблари тўғрисидаги расмий ахборотимизга мос бўлиб тушарди.

У шундай деди: «Биз бу масалани бир неча бор кўриб чиқдик. Бу таклиф баъзилар-да, шу жумладан менда ҳам шубҳа тугдирди. Афғонистоннинг янги рахбарлари каттик илтимос қилишяпти. Мудофаа вазирлиги, ташки ишлар вазирлиги ва КГБ рахбарларига бу масалани чуқур, батафсил ўрганиб, Афғонистон рахбарлари билан маслаҳатлашиб, ўз таклиф-мулоҳазаларини тайёрлашни топширдик. Улар кўшинларимиз у ерда қиска муддат бўлишади, гап Жанубий чегараларимизни химоя қилиш тўғрисида кетяпти, қуроли ихтилоф ҳадемай тўхтайдди, янги инқилобий тузумни, унинг рахбарларини халқ қўллаб-қувватлайди, деб бизни ишонтиришди».

Унинг гапларини тинглаб, мен бу масалани тайёрлаган ўртоқлар, афтидан Афғонистонни чуқур билмасликларини, унинг ўзига хос хусусиятларини, Бобур, академик Николай Иванович Вавилов, инглизлар билан бўлган сўнгги урушда афгон куролли кучларига кўмондонлик қилган маршал Вали шох асарларида жуда яхши тасвирланган афгон халқининг табиатини ўрганмаган кўринадилар, дедим. Британия армиясининг Афғонистонга уч марта юриши ҳам мағлубият билан тугаганлиги тўғрисида Лондонда бир неча китоб нашр этилганини ҳам айтдим.

Л. И. Брежневнинг юз ифодасидан бу асарлар тўғрисидаги хикоям уни зериктириб кўйганлигини сездим. Мен жим бўлдим. У гапининг охирида:

— Афғонистонга доир ҳамма масалалар бўйича А. А. Громико раҳбарлигида махсус комиссия тузилди. Сен у билан гаплашиб, ҳамма фикр-мулохазаларингни айт, — деди. У ўша захоти А. А. Громико билан боғланиб унга: «Олдимда Нуриддин ўтирибди. У куни кеча Афғонистондан келди, анча фикр-мулохазалари бор. Уни қабул қилиб, фикрини эшитгин, яна икковимиз масалахатлашамиз», деди.

Палатага қайтиб, Андрей Андреевичга телефон қилдим. «Хозир ишим бошимдан ошиб ётибди, телефонда қискача гапириб бера қолгин», деб илтимос қилди у. Вертушқадан (хукумат телефони) ўз фикр-мулохазаларимни айтдим. Громико: «У ердаги ахвол маълум, шарт-шароитни биладиган кишилар воқеаларни қузатиб туришибди», — деб жавоб қилди.

Бу суҳбат, афтидан, менда ҳам, унда ҳам ёмон таассурот қолдирди, шекилли. Вактни ўтказмай ахволни тузатиш учун бирон бир амалий иш қилинмади.

Икки ярим йилдан сўнг Леонид Ильични дафн этишда қатнашдим.

Л. И. Брежневнинг сиёсий портретини ёзаётган тарихчилар кўлида унинг иш услуби, табиати, ожиз томонларини кўрсатувчи жуда кўп фактлар бўлса керак. Орден, медаль, эсдалик совгалар тўплашнинг ишқибози эди. Шуни айтиш керакки, КПСС ва Совет раҳ-барларидан биронтаси унғача ҳам, ундан кейин ҳам, Россия империясининг бирон бир подшоси бутун тарих давомида бу одамчалик кўп Ватан ва чет эл олтин медалларига, юксак жанговар ва меҳнат орденларига, бошқа нишонларига эга бўлган эмас.

У ҳаммага ёқишни истарди, бировнинг ундан норози бўлишини, «душман» ортти-ришни истамасди. Бунинг учун КПСС XXVI съездида раҳбарий органлар қандай белги-лар ва фикр-мулохазалар асосида тузилганини эслашнинг ўзи қифоядир.

Кейинги йиллар тўғрисида бир нарса деёлмайман-у, лекин эсимда, ёнма-ён ишлаган вақтларимизда у бирон-бир жиддий масала юзасидан шахсий жавобгарликни зиммасига олмасликка уринарди, манфаатдор шахсларнинг ҳаммаси бирма-бир имзо чекмагунича, ҳеч қандай хужжатга қўл қўймасди. Хар бир киши, айниқса, раҳбар ходим учун сўз билан иш бирлиги жудаям муҳим, у бир лахзалик муваффақият ва одамларни ўзига мойил қилиш учун ваъдабозлик қилмаслиги керак. Лекин ўз сўзининг, ваъдасининг устидан чиқиш яна ҳам муҳимдир. Тўғри, кўпинча шарт-шароит, вазият киши имкониятларидан устун келади. Бундай пайтда сўзингизга ишонган одамларга, ваъ-дамнинг бажаришни имкони бўлмади, деб ошқора айтиш оддий одоб қоидаси саналади. Кишининг обрў-эътибори, одамларнинг унга хурмат-эҳтироми, ишончи қатта ишлар билан бирга, мана шундай майда-чўйдолар асосида ҳам шаклланади.

Москвадан охириги марта, 1986 йилнинг апрелида қайтаётганимда дўстлар билан оила даврасида, дастурхон атрофида хайрлашдик. Ўзбекистоннинг чекка бир қишлоғидан чиққан, партия ва давлат раҳбарлари даврасига биринчи бор қирган мендай бир одамга

кандай ишлаш ва яшаш, ўзини қандай тутиш сабогини ўргатган устозларим,
мураббийларим хотирасига хурмат бажо айладим; уларнинг ҳар бирига самимий
миннатдорчилигимни, чуқур хурматимни ҳаёлан изҳор этдим. Кўпгина танишларимнинг,
шу жумладан Леонид Ильич қабрини ҳам зиёрат қилдим.

Нуриддин Мухитдинов